

63.3(54)522

Н 19

Нусратилло НАИМОВ

**БУХОРО
ЖАДИДЛАРИ**

"Фан"

112/10259
ушк №1
011 ✓

Нуератилло НАИМОВ

ДУДАНИ ОНАДУМ

Ж

БУХОРО ЖАДИДАРИ

(Тарихий очерклар, ҳужжатли қисса)

№25

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
"ФАН" НАШРИЁТИ**

Тошкент — 2000

63.3(57)522

H19

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Халқимиз мустақилликни осонликча кўлга киритгани йўқ. Унга миллатимизнинг гули бўлган асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, юз йилдан зиёд давом этган машаққатли курашлар эвазига эришдик. Айниқса, асримизнинг бошида жадидлар миллий мустақилликка эришиш учун жон-жаҳдлари билан курашиб, ҳаётларини шу йўлга тикдилар. Ёшларимиз уларнинг ҳаёти ва фаолиятларини чуқур билишлари, Ватанни севиши, уни саждагоҳ каби муқаддас билишни жадид болаларидан ўрганишлари лозим.

Журналист ва ёзувчи Ҳусратилло Ҳаимов "Мен яшашни истайман" романи, "Амирнинг хазинаси" ва "Амирнинг зурриёти" қиссалари, "Бухорои Шариф" тарихий очерклар тўплами билан Бухоро, қолаверса республикаимиз китобхон ва газетхонларига яхши таниш. Мана, чорак аср бўлаётгани, у Бухоро тарихи, хусусан Бухоро жадидларининг ҳаёти ва фаолияти, ўлкаимизда миллий истиқлол кураши фидоийлари тўғрисида изланишлар олиб бормоқда.

Ҳусратилло Ҳаимов 1998-2000 йилларда "Бухорнома" газетаси саҳифаларида Бухоро жадидлари ҳаёти ва сиёсий фаолияти тўғрисида очеркларни, 20- йилларда Германияда таҳсил кўрган бир гуруҳ бухоролик ва туркистонлик ёшлар қисмати ҳақида тарихий қиссани эълон қилди. Улар алоҳида китоб тарзида ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола этилмоқда.

Ibn Sino nomidagi viloyat
universal ilmiy kutubxonasi

raqam № 512958

Ibn Sino nomidagi viloyat
universal ilmiy kutubxonasi

X 1202000000 - 3 - 446
M 355 (04) - 2000

Рез. 2000

© Ўзбекистон Республикаси ФА
"Фан" нашриёти, 2000 йил.

JS № 5-648-02698-6

АЖДОДЛАРНИ ТАНИШ БУРЧДИР

Ўтганларининг номини ҳурмат билан тилга олиш ҳалқимизнинг аслий хусусиятларидан. Шу сабаб улар ҳақида ган кетганда “раҳматлик” сифатини қўшиб айтадилар. Дарвоқс, “марҳум” деганининг ўзи “оллоҳ раҳматини олган” демакдир. Ўтган киши ҳақида ёмон гапирмайдилар, гийбат қилмайдилар, иложсиз тақдирдагина номатлуб томонларини тилга оладилар. Шунда ҳам истиғфор билан. Ота-бобо эса муқаддас. Умуман, аждодларни тўзозлашда бизнинг миллатга стадигани кам бўлса керак.

Аслида ўз фарзандини севмайдиган ота-она бирошта миллатда йўқ. Хатто қўнғиз ҳам ўз боласини ошпоғим дермин. Лекин ота-онасини севадиган фарзандчи? Асрий удуларимиз, авлоддан авлодга ўтиб келган туркий исломий ахлоқ ота-оналаримизга меҳр ва садоқат руҳини тарбиялаб келади. “Ота рози—худо рози, она рози — пайгамбар рози” дейдилар. “Отанг кофир бўлса ҳам у ўтирган уйининг томига чиқма” деган нақл ҳам бор. “Бошини фидо айла ато қошига, жисминини қил садқа ано бошига” деб ёзади буюк Навоий.

Ёмонга айтиладиган ган қўн. Лекин тавқи лаънатлар орасида энг оғири оқнадарликдир, онанинг “Берган оқ сутим ҳаром бўлсин!” деган қарғинидир (оллоҳ ҳеч бир бандасига бу иккинсини раво қўрмасин). Урф-удумларимиз ота-оналаринигина эмас, насл-насабни ҳам танишини тақозо этади. “Қабиласининг исминини, етти отасининг отини билмайдиганларни “қул” - “марқуқ” дерлар”, деб ёзади Бсҳбудий. Бу қондалар жамиятимиз биносини ушлаб турган асосий устулардан. Бу устуи қулаган қўн жамият ҳам барбоддир. Жамият барбод бўлса, Ватан ва Миллат қоладими? “Қутадағу биллик”да бўлса керак, муаллиф ёшлардан шикоят қилади. Катталарга ҳурмат йўқолаётганидан, меҳр-оқибатнинг кўтарилаётганидан, болалардаги бебошлик, қулоқсизликдан зорланади. Бу устуларининг дарз кетшин эди. Патижаси узоқ куттирмади. Мамлакат мўғул исканжасида қолди. Мустақилликни қўлга олиш учун 150 йил керак бўлди. Буюк соҳибқиронини давлатини давлат, миллатини миллат ҳолига келтирди. Бироқ, соҳибқирон вафотининг 44 йилида темурийзода Абдуллатиф Темур зурриёдининг илмдаги дурни гавҳари-отаси Мирзо Улугбекни қатл эттириб “надарқўн” тавқи лаънатини буйинга олди ва олти ой ўтмай ўзи ҳам шаҳид кетди. Хусайн Бойқародек подшоҳ эса ўзининг энг иқтидорли набираларидан Мўмин Мирзонини ўлдирини фармон бериб турк - ислом ҳукмдорларининг ҳеч бири қилмаган ишини қилди. Оқибат шў бўлдики, жамият темурийлар ва шайбонийлар орасидаги жангу жадалди, қирғинбаротда қол-

ди, парокандаликка юз тутди. Шундай қудратли мамлакат тўзғиб кетди, учга бўлиниб, уч байроқ кўтариб бир-биридан узоқланиб бораверди.

“Айрилганин бўри ер” деганлари рост экан, Русия ҳар уччаласини бирин-кетин ўз домига олди. 1917 йил—нажот ва нажотсизлик йили келди. Бироқ, салтанат ўзгарсада, моҳият ўзгармади, миллат эса ўзининг асл хусусиятларини йўқотиб бораверди. Биринчи навбатда ота-она муносабатлари бузилди, жадид ва қадим аслида жамиятдаги ота-бола муносабати эди. Тўғрироғи, жамиятнинг эскиликка ёнишиб олган, анъанага дахл қилувчи ҳар қандай ҳодисани “шаккоклик” атаб, тараққиёт йўлидаги тошга айланган қатлам билан салафлар уҳдумини муқаддас тутган ҳолда унга замонавий ёндашувчи янги авлод муносабати эди. Ўзбек театрининг илк намунаси—”Надарқуш” буни жуда яхши ифода этди. Чўлион эса “қонларга буланган, қирилиб тугалиш даҳшатга ўраган элининг дардини шундай ифода этди:

Бир элким беш йилдур қонларга буланган,
Отаси ўғлини душман деб бўғадур.
Сўнг бурда нони ҳам қолмасдан талафтон,
Ёш гўдак боласи бир бурда нон дейдур...
Очлик ҳам ҳар куни қурбонлик сўрайдур,
Ҳар куни унга ҳам юзларча қурбонлар,
Қирилиб тугалиш даҳшати ўрайдур,
Янами-беҳуда гуноҳсиз соф қонлар?!”

Замон айланиб халқимизга истиқлол насиб этди. Истиқлолнинг таянчли қисми тугаб, уни қисми бошланди. Ҳозирда уни англаш, мустаҳкамлаш, самараларидан фойдаланиш жараёни кетмоқда. Бу гоёт оғир жараёндир. Гап 70 йил ҳукм сўриб келган психологияни ўзгартириш хусусида кетмоқда. Бу борада энг тўғри йўллардан бири оталарни таниш ва ташигиндир. Аждодларни таниш бўрчдир. Чунки дунё биноси зурриёт ўзлуксизлиги асосига қурилгандир. Зурриёт ўзлуксизлиги биргина биологик эмас, маънавий жараёни ҳамдир.

Журналист ва ёзувчи Нусратилло Панмовнинг мазкур китобчаси шу жиҳатдан бугунги ўқувчи учун, шубҳасиз, фойдалидир.

Бегали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби,
Ўзбекистон Миллий университети “Миллий уйғонинг даври
ўзбек адабиёти” кафедраси мудири, филология фанлари
доктори, профессор.

АҲМАД ДОНИШ

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро аҳли ўртасида Аҳмад маҳдум, Аҳмади калла номлари билан шуҳрат қозонган Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухоро шаҳрида мулла оиласида дунёга келди. Улар аслида Шофиркон туманининг Пермаст ариғи бўйидаги Сўғд қишлоғидан бўлиб деҳқончилик билан шуғулланишар эди. Аммо Аҳмаднинг отаси Қори Носир илму фанга иштиёқ пайдо қилиб қишлоқ мактабини тугатганидан кейин Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўрди. Кейин қишлоқ масжидида имомлик қилди. Мадрасада ёшларга сабоқ берди. Аҳмад Дониш дунёга келганида оила шаҳарнинг Сангин гузарига уй қуриб, ўзига тўқ хонадонларнинг бирига айланган эди.

Қори Носир фарзандини ҳам ўзи сингари Қуръони Карим билимдони қилиб тарбиялаш ниятида эди. Дониш қисқа фурсатда муқаддас китобни ёдлаб олди, аммо тили бироз тугилиши учун қироатхонликка ярамади. Балким шу камчилиги туфайли ниҳоятда камгап бўлиб бутун меҳрини илму фанга берди. Мадрасани тугатгач, дастлаб хаттотлик, яъни чиройли ёзув санъатини мукаммал эгаллаб китоб кўчириш, унга турли миниатюралар чизиб зеб бериш билан шуҳрат қозонди. Шу туфайли уни амир Музаффархон саройига хизматга олишди.

Кейинчалик мустақил равишда астрономия, геометрия, математика фанларини чуқур ўзлаштирди, сўнгра хорижий тилларни ўргана бошлади. Илгари Россияга сафар қиладиган элчиларга татар тилмочлари ҳамроҳлик қилган бўлса, энди бу вазифани Аҳмад Дониш бажарадиган бўлди. Ҳали 30 ёшидаёқ у илк марта Россияга сафар қилиб Бухоро амирлиги тараққиёт соҳасида Европа мамлакатларидан нақадар орқага қолиб кетганидан изтироб чекди. Шундан кейин 1869, 1873 йилларда қилган такрорий сафарлари натижасида рус ҳукмдорлари саройидаги ҳаёт, давлатни бошқариш усуллари билан чуқур танишди, бир вақтлар инсон цивилизациясининг маконларидан бири бўлган Бухорои Шарифни қолоқлик ботқоғидан чиқариш йўлларини излади.

Шундай изланишлар жараёнида у "Нодир воқеалар" ва "Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари" асарларини яратиб, уларда чинакам адолатпарвар ҳукмдор ким бўлиши мумкинлиги ва у мамлакатни қай тарзда бошқарганда иқтисодиёт ва маданият гуллаб-яшнаши тўғрисидаги фикрларни илгари сурди. Унинг фикрича, агар подшоҳ ҳамма соҳада одил сиёсат юргизса, хунармандчиликни ривожлантириб, савдосотиққа кенг йўл очиб берса, халқнинг ҳаёти фаровон бўлади. Бундай сиёсат юргизиш учун эса ҳукмдор биринчи навбатда ақлли бўлиши лозим.

Аҳмад Дониш подшоҳ одил фармон чиқармоқчи бўлса, илгари мамлакатдаги ақлли, тажрибали одамлар билан маслаҳатлашмоғи зарурлигини уқтиради. Шу мақсадда давлат кенгашини тузиб, бу кенгашда аҳолининг барча табақаларидан вакиллар бўлиши кераклиги ва бутун давлат ишлари шу кенгаш орқали амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Табиийки, бундай таклифлар демократия тамойилларидан мутлақо узоқ бўлган Музаффархон ва унинг атрофидаги аҳёнларга маъқул келмас эди. Улар исёнкор мутафаккирни саройдан бадарға қилишди. Шундан кейин Аҳмад Дониш умрининг охиригача Бухоро мадрасаларининг бирида кутубхоначилик вазифасини бажариб фақирона турмуш кечирди.

Узун бўй, бошига ўралган оппоқ салла, худди шу рангдаги чўққи соқоли истараси иссиқ бу қарияга алоҳида салобат бағишлар, бозорларда, кўча-куйда унга рўбарў келган бухороликлар тирик авлиёни кўргандай унга таъзим қилиб хурматини бажо келтиришарди. Аҳоли ўртасида унинг сирли кудрати тўғрисида турли ривоятлар юрарди.

Аҳмад Дониш куни билан китоблардан нусха кўчириб уларга зеб берар ёхуд Мир-Араб мадрасаси толиби илмларига таълим берар, кечалари эса мадраса томига чиқиб юлдузлар ҳаракатини кузатар эди.

Садриддин Айний “Эсдалиқлар” асарида нақл этишича, Аҳмад Дониш камсуқум ҳаёт кечирсада атрофига доимо адабиёт, санъат, илм аҳлини тўплаб улар шарафига зиёфатлар уюштирар, ўзи бўлса бир чеккада ўтириб пинагини бузмай хаттотлигини давом эттирар эди.

Ўзининг айни пишиқчилик даврида у вилоят ва туманларга чиқиб меҳнаткашларнинг турмуши билан танишар ҳамда кузатувлари асосида пинҳона асар ёзар эди. Шу зайлда Аҳмад Дониш манғитлар сулоласининг тарихи тўғрисида яна бир асар яратди. Бу китоб узоқ йиллар амирлик зулмидан жабр кўрган халқнинг фарёди эди. Асар кўп йиллар қўлёзма тарзида қўлдан қўлга ўтиб Бухоро зиёлилари томонидан ташналик билан мутолаа қилинди.

Мазкур асарда Дониш манғит ҳукмдорларининг разил башарасини фош қилди. Асарда Шохмуроддан ташқари (1785-1800 йиллар) барча амирларнинг кирдикорлари очиб берилган. Айниқса амир Музаффархон ва амир Абдулаҳадхон даврида давлат ишларига нақадар путур етгани, маданият, илму фан, ахлоқ-одоб оёқ ости қилингани, амалдорларнинг таъмагирлиги, ишратпарастлиги ўткир сатира кучи билан фош этилган. Худди шу даврда Бухоро амирлиги амалда Россиянинг мустамлакасига айланди, иқтисодиётга путур етиб халқ тобора қашшоқ бўлди.

Аҳмад Дониш кўп йиллар амирлар саройида фаолият кўрсатгани учун ҳукмдорлар ҳаётининг авра-астарини жуда

яхши биларди. Улар тўғрисида китобда баён этилган маълумотлар ҳар қандай соф виждонли кишида тузумга нисбатан нафрат туйғуларини уйғотарди. Афсуски бу ажойиб асар ҳамон ўзбек тилида нашр этилмаган.

Умуман, унинг қаламига мансуб асарларнинг деярли барчаси Шарқшунослик институти қўлғиналар заҳирасида ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Унинг ижоди тўғрисида кўпгина илмий асарлар, мақолалар ёзилган бўлсада сиёсий фаолияти ўз баҳосини топмаган.

Аҳмад Дониш Бухоро маърифатпарварлари орасида биринчи бўлиб манғитлар ҳукмронлигига қарши бош кўтарди, уни ислоҳ қилишнинг амалий йўлларини таклиф қилди. Бу билан у Бухорода жаҳидчилик ҳаракати пойдеворини қўйди. Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, Мусо Сайиджонов ва яна ўнлаб, юзлаб Бухоро жаҳидлари у бошлаб берган буюк ишнинг давомчилари бўлдилар.

АБДУРАУФ ФИТРАТ

Бухоро жаҳидлари йўлбошчиларидан бири бўлган Абдурауф Фитрат 1886 йилда зиёли оиласида дунёга келди. Дастлаб эски мактабда, кейин Мир-араб мадрасасида таҳсил кўрди. 1904-1907 йилларда у ҳаж сафари қилиб Эрон, Ҳиндистон, Арабистон мамлакатларида саёҳатда бўлди. 1909-1913 йилларда "Тарбияи атфол" жамияти ҳомийлигида Истамбулга ўқишга кетди. Хорижда ўқиган йилларида Туркияда миллий-озодлик ҳаракати намояндалари ва Истамбулда таҳсил кўраётган бошқирд, татар, озарбайжон тараққийпарварлари ўртасида маслақдошлар орттирди.

Абдурауф Фитрат Туркияда таҳсил кўрган йилларида бадиий ижод билан шуғуллана бошлади. Дастлаб публицистик мақолалар ёзиб "Бухорои Шариф", "Турон" газеталарига юборди. "Бухорои Шариф" газетаси маҳаллий маърифатпарварлар ташаббуси билан 1912 йил мартида форс тилида нашр этила бошланди. Кўп ўтмай унинг ўзбек тилидаги "Турон" иловаси босмадан чиқди. Газеталар Когон шаҳридаги тадбиркор Левин хусусий босмахонасида ҳафтада уч мартадан чоп этиларди. Фитрат Истамбулдан йўллаган мақолаларида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди. Аста-секинлик билан бу ғоялар тобора жанговар тус олиб, Туркияда таҳсил олган йилларида ёзилган "Мунозара", "Раҳбари Дониш", "Оила", "Ҳинд сайёҳининг қиссаси" сингари асарларида, "Сайха" деб аталган тўпламдаги оташин шеърларда ўз аксини топди. Қисқа муддатда Фитрат бу асарлари тўғрисида Шарқнинг таниқли ёш адабиётчилари сафидан ўрин олди.

Туркияда нашр этилган бу асарлар Туркистонга олиб

келиниб, Бухоро, Самарқанд маърифатпарварлари орасида тарқатилади, мунозараларга сабабчи бўлади. Кўп ўтмай "Бухорои Шариф" ва "Турон" газеталари ёпиб қўйилди. Аммо жаҳидчилик ҳаракатини энди тўхтатиб бўлмасди. Айниқса, Абдурауф Фитрат ва унинг бир гуруҳ сафдошлари ўқишни тугатиб Бухорога қайтганларидан кейин миллий-маърифий ҳаракат қизғин тус олиб, янги мактаблар хусусий тарзда очила бошланди.

Абдурауф Фитрат Шаҳрисабз, Карки туманларида бундай мактабларни ташкил қилиш, таълим дастурларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Жамиятда янги мактаб ва эски мактаб тарафдорлари ўртасида кураш кескин тус олди. Янги мактаб тарафдорлари жаҳидлар, эски мактаб тарафдорлари қадимийлар деб атала бошланди. Жаҳидлар амир Олимхонга мурожаат этиб, маърифатли ва адолатли ҳукмдор сифатида жамиятда ислохотлар ўтказишга даъват этдилар. Диний ақидапарастлар таъсирига тушган ҳукмдор эса бунга жаҳид мактабларини таъқиқлаш билан жавоб қайтарди, унинг ташкилотчилари қатори Фитрат ҳам тазйиқ остига олиниб, "дахрий" деб эълон қилинди.

Россиядаги 1917 йил февраль буржуа инқилоби Бухоро амирлигидаги сиёсий муҳитга таъсир қилмай қўймади. Энди жаҳидлар, очикдан очик сиёсий талаблар билан чиқа бошладилар. Абдурауф Фитрат жаҳидларнинг сиёсий дастурини ишлаб чиқиб, Бухорода амирнинг мутлақ ҳукмронлигини конституцион тузумга асосланган ҳукмронлик билан алмаштиришни таклиф қилди. Бу дастур қуйидаги сиёсий талабларни ўз ичига олганди:

— миллий маданиятга эга бўлиб мустақил миллат сифатида яшаш;

— давлат тузилиши жумҳурият шаклида бўлиб миллат мажлиси ҳокимият асосидир. Миллий ҳукумат миллий аскарга таянади;

— мамлакатда виждон, матбуот ва нашриёт, шахс эркинлиги таъминланади;

— асосий солиқ даромадга қараб олинади;

— ерости ва ерусти бойликлари давлат мулкига айланиб, ҳокимиятнинг бутун кучи сув таъминотига эришиб, юқори ҳосил олишга қаратилади;

— маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинади.

Жами 19 банддан иборат бўлган сиёсий дастур амир Олимхон томонидан қабул қилинмагандан кейин Бухоро жаҳидлари эркинликлар талаб қилиб Лаби-ҳовуздан Бухоро Аркигача саф тортиб сиёсий намойиш ўтказадилар. Амир сарбозлари ва мутаассиб муллалар гиж-гижлаган авом фуқаро кучи билан намойиш тарқатилиб, кўпгина жаҳидлар зиндонга ташланади ва қатл этилади.

Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов,

Садриддин Айний, Мусо Сайиджонов ва бошқа жаид партияси етакчи намояндалари Тошкент ва Самарқандда жон сақлаб қолиб сиёсий курашни давом эттирадилар. 1918 йил мартада жаид партиясининг сўл гуруҳига айланган Ёш бухороликлар большевиклар ёрдамида куч билан ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрадилар. Бу иккала томонда ҳам катта хунрезликларга олиб келиб, минглаб бухороликлар ҳалок бўладилар.

Большевиклар ҳар қандай йўллар билан Ёш бухороликлар ишончини қозонишга ҳаракат қилиб раҳбарларни ўзларининг ғоявий таъсирларига олишади ва Бухоро Халқ Республикасини ташкил қилишга ёрдам кўрсатишга ваъда беришади. 1920 йил сентябрида Михаил Фрунзе бошлиқ қизил кўшин ёрдамида катта қурбонлар, вайронагарчиликлар билан Бухоро забт этилади. Ҳақиқатан ҳам шаклан мустақил Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилади, аммо шўро қуролли кучлари республикани тарқатишмайди. Бунинг оқибатларини Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа жаид арбоблари бир неча йилдан кейин ҳис қилишади. Ушанда эса Фитрат Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат таркибида маориф нозири, хорижия нозири, ислоҳот комиссияси раиси ва яна бир қатор масъул вазифаларда фаолият кўрсатади. Унинг бевосита раҳбарлиги остида халқ таълими, хориж билан иқтисодий ва маърифий алоқалар яхши йўлга қўйилади, бир гуруҳ бухоролик ёшлар Германияга, Туркия ва Россияга ўқишга юборилади, вайрон этилган меъморий ёдгорликларни таъмирлашга киришилади. Чинакам маслакдошлардан иборат бўлган ҳукумат иқтисодиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришиб Бухоро пулининг қадри тобора ошиб боради. Жаид ҳукумати вакиллари турли йиғинларда, матбуотда республика худудидан рус қўшинларини олиб чиқиб, миллий армияни шакллантириш, миллий кадрларга раҳбарликдан кенг ўрин бериш ва бошқа сиёсий талаблар билан чиқа бошлайдилар. "Бухоро ахбори" (ҳозирги "Бухоронома") газетасида 1922-1923 йилларда бу тўғрида кўплаб мақолалар эълон қилинади.

Аммо барча ҳаракатлар беҳуда эди. Большевиклар Бухоро Халқ Республикасини йўқотиш учун барча тадбирларни кўрдилар. Ленин шу мақсадда Куйбишев, Рудзутак сингари сигналган ёрдамчиларини Бухорога юборди.

1923 йилда Файзулла Хўжаевнинг Москвада узоқ даволаётганидан фойдаланиб шўролар ташаббуси билан ўтказилган Бухоро марказий ижроия қўмитасининг йиғилишида Абдурауф Фитрат, Атоулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаев сингари айниқса эрксевар раҳбарлар бўлмағур тўхматлар билан обрўсизлантирилиб, лавозимларидан бўшатиладилар ва Бухородан бадарға қилиндилар. Фитрат 1923-1925 йилларда Москва, Ленинградда яшади, Шарқ тиллари инсти-

тутида ёшларга турк, араб, форс тиллари ва адабиётидан дарс берди. Бадиий ва илмий ижод билан машғул бўлди. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари тугатилиб Ўзбекистон Республикаси ташкил этилиши, Файзулла Хўжаев ҳукумат бошлиғи этиб сайланишидан кейин Фитрат Самарқандда, Тошкентда яшади, маданий-маърифий фаолият билан шуғулланди. Лекин мустақиллик орзу умидлари у яратган бадиий асарларида ўз ифодасини топди.

Шундан кейин Фитрат умрининг охиригача Бухорои Шарифнинг большевиклар томонидан таланиши, Ўзбекистоннинг шўролар қарамига айланишида ўзини ҳам айбдор ҳис қилиб қаттиқ изтироб билан яшади. Бу нарса унинг "Йиғла, Ислоҳ", "Абулфайзхон", "Қиёмат", "Шайтоннинг тангрига исёни" каби ўнлаб асарларида ўз ифодасини топди.

Фитрат 1937 йилда ҳибсга олиниб, 1938 йили Тошкент шахрининг ҳозирги Юнусобод тумани Бўзсув қирғоғидаги қатлгоҳда миллатимизнинг бошқа эркесвар фарзандлари қатори отиб ташланди.

Большевиклар Абдурауф Фитратнинг жисмини йўқотган бўлсалар ҳам у яратган буюк асарларни халқ хотирасидан ўчириб ташлай олмадилар, энди бу асарлар бадиий меросимизнинг бебаҳо дурдоналари сифатида ардоқланиб қайта нашр этилмоқда.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ

Бухоронинг атоқли фарзанди Файзулла Хўжаев 1896 йилда етти пушти савдогар ўтган йирик қоракўлфуруш Убайдуллахўжа оиласида дунёга келди. Хонадон жуда катта сармоёга эга бўлиб Москва, Нижний Новгород, Оренбург, Истамбул ва бошқа савдо марказларида ўзининг қоракўл тери магазинларига эга эди.

Убайдуллахўжа ўғлини замонавий тижоратчи қилиб тарбиялаш мақсадида 1907 йилда Москвага олиб бориб етук муаллимлар тарбиясига топширди. Файзулла бу ерда уч йил таълим олгач Бухорога сиёсий тузумни ўзгартириш зарурати тўғрисида муайян фикрлар билан қайтди. Бу ерда Туркияда таҳсил кўрган ёшлар билан алоқага кириб улар жадидлар партиясини ташкил қиладилар ва ишни амирликдаги мактаб-маорифни ислоҳ қилишдан бошладилар. Шундай мактабларнинг бири бевосита Файзулла Хўжаевнинг хомийлигида унинг амакиси Латифхўжа уйида ташкил қилинади. Бу ерда Абдувоҳид Бурҳонов, Усмонхўжа, Ҳамидхўжа сингари Туркияда таҳсил кўрган ёшлар болаларга таълим берадилар. Жадидлар аста-секинлик билан маърифий ишдан сиёсий фаолиятга кўчадилар. Тобора кўтарилиб келаётган жадидчилик харақатидан хавотирга тушган уламо Бухоро амири-

дан тараққийпарвар ёшларга нисбатан тазйиқ воситаларини қўллашни талаб этади. Кўп ўтмай жаидид мактаблари ёпилади.

Шундан кейин жаидидлар сиёсий ҳаракатнинг ёпиқ-яширин усулларига ўтадилар. Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Бурхонов, Файзулла Хўжаев ва яна бир қатор жаидид партияси раҳбарлари партиянинг дастурини ишлаб чиқиб Бухоро амридан сиёсий эркинлик талаб қилишади. Улар амир ҳукмдор сифатида қолиб, мамлакатни бошқариш учун ҳукумат тузилиши, бошқарув, солиқ, мактаб-маориф соҳасида ислохотлар ўтказилишини талаб этишади. Бу талаблар рад этилгач, Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари Когон большевиклари билан алоқага кирадилар ва Туркистон комиссарлар кенгашидан амирлик тузумини ағдаришга ёрдам сўрашади. 1918 йил мартада комиссарлар кенгаши раиси Федор Колесов бошлиқ қизил кўшин Бухорога ҳужум қилади. Икки ўртадаги жанг қизилларнинг мағлубияти билан тугайди.

Бу ҳужумнинг ташаббускорлари бўлган Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Бурхонов ва бошқа жаидид раҳбарлари қизиллар билан бирга чекиниб мухожирликка кетадилар. Ушанда улар большевиклар ёрдамида ҳокимиятни қўлга олиб мустақил демократик давлат яратиш ниятида эдилар. 1920 йил сентябрида қизил кўшин ёрдамида амирлик тузumi ағдарилгандан кейин эса шўролар мафкуравий зуғум кўрсата бошладилар.

Янги ҳокимиятнинг дастлабки уч йили Хўжаев ҳукумати Бухоро Халқ Республикасида катта ўзгаришларга эришади. Мустақил республика бир қатор Осиё ва Европа мамлакатларида элчиликларини очади, тадбиркорлик учунг кенг йўл очиб берилади. Жаидидлар партияси компартияга расман қўшилган бўлсада ўз сиёсий дастуридан воз кечмаган эди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати 1923 йилда рус кўшинларини мамлакатдан олиб чиқиш, миллий армия ташкил этиш ва бошқа сиёсий талабларни Россия ҳукумати олдиға қўйди. Большевиклар бу талаблар амалға ошишиға тиш-тирноқлари билан қаршилиқ кўрсатиб, охир оқибатда Бухоро Халқ Республикасининг тугатилишиға эришдилар. Аммо Файзулла Хўжаев сингари дунё танийдиган арбобни сиёсат майдонидан ҳали четлаштириб бўлмасди. Уни Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи этиб тайинлашди. Ҳукумат таркибининг учдан бир қисми эса Бухоро жаидидларидан шакллантирилди.

Бу даврга келиб у шўролар ҳокимиятида Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиғиға эришиш хом хаёл эканлигини тушунган эди. Шундай бўлишиға қарамай республика иқтисодий-тини мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришға кўп куч-ғайрат сарфлади, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, тадбиркор ва ҳунармандларни ортиқча солиқлар

билан бўғиб қўйиш, миллий зиёлиларни сиёсий исканжага олиш ҳаракатларига очикдан очик қарши чиқди. Ҳали 20- йилларнинг ўрталарида бунинг оқибатида республикада унга қарши сиёсий компания бошланиб айрим йиллардаги танаффуслар билан 1937 йилгача давом этди. Охир оқибатда у Николай Бухарин бошлиқ сиёсий гуруҳнинг аъзоси сифатида ҳибсга олиниб 1938 йил мартада Москвада отиб ташланди.

АБДУВОҲИД БУРҲОНОВ

Мунзим тахаллуси билан шеърлар битган бу бухоролик зиёли бир умр халққа холисона хизмат қилиш ишқи билан яшади. Шаҳарнинг Муҳаммад Шариф мадрасаси хужраларининг бирида фақирона турмуш кечирган Мирзо Абдувоҳид отасидан мерос қолган ердан олинадиган бутун даромадни маърифий мақсадларга сарф этарди. Унинг дастхати ниҳоятда нафис бўлиб бухоролик бирон мирзо каллиграфия санъатида унга тенг кела олмасди.

Ҳали 1907 йилдаёқ Мирзо Абдувоҳид хонадонларнинг бирида хусусий мактаб очиб болаларга янги усулда таълим бера бошлади. Бу мактабда болалар бир йилга бормаи савод чиқаришди. Ваҳоланки, масжидлар ҳузуридаги мактабларда болалар 6-7 йилда ҳам тузук савод чиқара олмай нукул кироатхонлик қилишарди.

Мирзо Абдувоҳид янги мактабнинг афзалликларини намойиш этиш мақсадида 1908 йилда ота-оналар, дин арбоблари ва амалдорларни хусусий мактабига таклиф қилиб, болаларнинг кўргазмали имтиҳонини ўтказди. Имтиҳон пайтида унинг назоратчилари иккига бўлиниб қолишди. Бухоронинг таниқли муфтиларида бири бўлган мулло Икром бошчилигидаги гуруҳ янги мактаб фаолиятини юксак баҳолаб, уларнинг тармоғини кенгайтиришни, ҳатто мадраса таълимини ҳам шу усулга кўчиришни тавсия этди.

Аммо мулло Абдурозик бошлиқ иккинчи гуруҳ бундай мактабларни дарҳол ёпиб қўйиш талаби билан чиқди. Улар болаларнинг парталарда ўтириши, диний илмлар билан бир қаторда арифметика, табиатшунослик, география сингари ўша даврда ақидапарастлар мусулмончиликка зид ҳисоблаган фанлар ўқитилишини қоралашди.

Шундай қилиб катта зиёфат билан яқунланиши лозим бўлган кўргазмали имтиҳонлар низо билан тугади. Шу кундан бошлаб Бухоро аҳли жадидлар ва қадимийларга бўлиниб икки ўртадаги зиддият тобора кучайиб борди. Охир-оқибатда бу жараён амир фармони билан янги усулдаги барча мактабларнинг ёпилиши билан хотима топди.

Лекин қадимийлар эришган ғалаба вақтинчалик эди. Жадидлар қарши ҳаракатга сафларини жипслаштириш билан

жавоб бердилар. Уларнинг раҳбарларидан бири Абдувоҳид Бурҳонов эди. Унинг ташаббуси билан "Тарбияи атфол" жамияти ташкил этилиб, сармоядорларнинг ҳомийлик ёрдамида ёшлар Истамбул, Оренбург, Қозон, Константинополь сингари хориж шаҳарларига ўқишга юборилди. Мирзо Абдувоҳид ва яна бир қатор маърифатпарварлар бўлса хонадонларда ёшларга янги усулда пинҳона таълим беришда давом этдилар.

Хорижда таҳсил кўрган ёшлар Бухорога қайтиб келганларидан кейин жаҳидчилик ҳаракати янада кучайди. Туркия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлардан яхши хабардор бўлган ёш жаҳидлар Бухоро иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида туб демократик ўзгаришлар қилиш талаблари билан чиқдилар. Мирзо Абдувоҳид, Садриддин Айний, Мирзо Нарзулло ва яна бир қатор эски маърифатпарварлар бундай ўзгаришларни дарҳол амалга ошириш амримахол эканлигини тушуниб бунга норозилик билдирдилар. Натижада жаҳидлар ҳаракати икки қанотга бўлиниб, унинг ўнг қанотини Мирзо Абдувоҳид, чап қанотини Абдурауф Фитрат бошқара бошлади. Ҳали бу бўлиниш вақтинчалик бўлиб, иккига ажралишни билдирмас эди, албатта.

Россияда 1917 йил феврилида содир бўлган буржуа-демократик инқилобидан кейин жаҳидлар яна бир сафда туриб амирликда демократик ўзгаришларни талаб қила бошладилар. Жаҳидлар ягона сиёсий ташкилотга уюшиб унинг марказий кўмитаси раислигига Абдувоҳид Бурҳонов сайланди, котибликка эса Абдурауф Фитрат тасдиқланди. Шунингдек, марказкўм таркибига Усмон Хўжаев, Муҳитдин Рафоат, Мусо Сайиджонов, Атоулло Хўжаев, Аҳмаджон Абдусаидов, Файзулла Хўжаев, Ҳамидхўжа кирдилар. Раҳбарият сиёсий ҳаракатни кучайтириб Бухорода оммавий намойиш ўтказишга ҳозирлик кўра бошлади. Абдувоҳид Бурҳонов ва Усмон Хўжаев ташаббуси билан жаҳид намояндалари Россия муваққат ҳукуматининг раҳбарияти билан учрашиб Бухорода демократик ўзгариш қилиш учун амирга сиёсий таъсир кўрсатишни талаб қилдилар. Бироқ муваққат ҳукумат вакили Миллер амир Олимхон билан яқин алоқада бўлгани учун бунга рози бўлмади. Шундай бўлишига қарамай Олимхонни шунчаки расмийат учун манифест эълон қилишга кўндирди.

Қадимийлар ва жаҳидлар намояндалари Арки олийга таклиф этилиб бу манифест ўқиб берилди ва ҳукмдор иккала томонни ўзаро муроСага чақирди. Жаҳидлар партияси марказкўми раиси Абдувоҳид Бурҳонов бунга рози бўлиб оммавий намойишга қарши чиқди, бундай намойиш иккала томон ўртасидаги кескинликни кучайтириб қон тўкишга олиб келишидан огоҳлантирди. Лекин Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев бошлиқ ёш жаҳидлар намойиш ўтказишни талаб қилиб марказкўмда устунлик қилдилар.

Намойиш Лаби Ҳовуздан бошланиб жадидлар ва уларга кўшилган форс, яҳудий, лазги ва бошқа миллат вакиллари байроқ ва шиорларни кўтариб Арк сари бора бошладилар. Намойишчиларни тарқатиш учун сарбозлар чиқишгани тўғрисида хабар келди. Шундай оғир вазиятда қон тўкиш олдини олиш учун Мирзо Абдувоҳид ёш жадидлар ҳали Арк майдонига етмай сафлар олдига чиқиб ҳаммага тарқалишга кўрсатма берди. Натижада ўшанда кўплаб жадидлар, шу жумладан Файзулла Ҳўжаевнинг ҳам ҳаёти сақлаб қолинди. Лекин бошқа юзлаб жадидлар сарбозлар кўлига тушиб қатл этилди.

Шундан кейин жадидчилик ҳаракати ҳақиқатан ҳам иккига бўлинди. Мирзо Абдувоҳид бошлиқ ўнг гуруҳ қурбонлар сонини камайтириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилди. Кўп ўтмай марказқўм раислигидан истеъфога чиқди ва сиёсий ҳаракатдан узоқлашди.

1920 йил сентябрида Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилганидан кейин Мирзо Абдувоҳид маориф, соғлиқни сақлаш нозири вазифаларида самарали фаолият кўрсатди. Унинг бевосита иштирокида республикада янги мактабларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилиб, уларда таълим олишга хотин-қизлар ҳам жалб қилинди. Ўша йиллар у бутун молмулкни сотиб тўпланган маблағни Бухорога ичимли сув келтиришга сафарбар этди.

Мирзо Абдувоҳид мана шундай фидойи ва камтарин инсон бўлиб, бутун умри мустақилликка тинч йўл билан эришиш орзу - умидлари билан яшади. У 1934 йилда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг вафот этди.

АТОУЛЛО ХЎЖАЕВ

Жадидлар партияси етакчи намояндаларидан бири бўлган Атоулло Ҳўжаевнинг мустақиллик учун курашда алоҳида ўрни бор, десак муболаға бўлмайди. Савдогар оиласида 1894 йилда туғилган йигит мадрасани тугатганидан кейин бир неча йил Туркияда бошқа ёш жадидлар қаторида таҳсил кўрди. Истанбулдан қайтгандан сўнг Абдувоҳид Бурҳонов сингари хусусий мактаб очиб ёшларга янги усулда таълим бера бошлади.

Мактаблар ёпилиб жадидлар тазйиққа дуч келганидан кейин Атоулло Ҳўжаев ва Фитрат бошқа жойларга кетиб шундай мактабларни ташкил қилдилар. Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида бундай мактабларнинг кенг тармоғи вужудга келди. Шунинг учун жадидлар партияси сиёсий куч сифатида шакллангач, Атоулло Ҳўжаев марказий қўмита аъзолигига сайланиб жойларда катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. 1917 йил баҳорида жадидлар сиёсий намойишга чиққанларида

у биринчи сафларда борди. Намойиш тарқатиб юборилгач марказқўм қарори билан хунрезликнинг олдини олиш мақсадида қушбеги ҳузурига Атоулло Хўжаев раҳбарлигидаги делегация юборилди. Делегация таркибида партиянинг фаол аъзоларидан Ҳожи Мирбобо Мирмуҳсинов ва Абдурахим Юсуфзода бор эдилар. Улар Арқда қабул қилинмай дарҳол зиндонга ташландилар. Шундан кейин Садриддин Айний, Мирзо Нарзулло, Мирзо Саҳбо ва яна кўплаб жадидлар ҳам амир жаллодлари қўлига тушиб қаттиқ калтакланадилар. Бироқ, Россия муваққат ҳукуматининг Когондан етиб келган вакиллари ёрдами билан жадидлар зиндондан озод бўлиб, амирлик ҳудудидан эсон-омон чиқариб олиндилар.

"Колесов воқеалари"дан кейин Атоулло Хўжаев Самарқандда яшаб жадидлар ўртасида тарғибот ишларини олиб борди. 1920 йил сентябрида у Бухоро Халқ Республикаси ҳукуматининг топшириғи билан Қарши вилояти инқилобий қўмитасига раҳбарлик қилиб халқ хўжалиғи фаолиятини йўлга қўйиш учун жон куйдирди. Орадан бир йил ўтгач, республика ҳукуматининг Шарқий Бухородаги вакили вазифасида фаолият кўрсатди. Ўша йиллари қизил аскарлар амир қўшинларини республика ҳудудидан чиқариш баҳонасида маҳаллий халқни талаб, катта бедодликлар қилмоқда эдилар. Атоулло Хўжаев республика вакили сифатида бундай зўравонликларга чек қўйишни талаб қилди. Шундан кейин Атоулло Хўжаев икки йил мобайнида Москвада яшаб Бухоро Халқ Республикасининг Россиядаги ваколатхонасига раҳбарлик қилди. Икки давлат ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиришга катта хисса қўшди.

Бухорога қайтган Атоулло Хўжаев халқ республикаси нозирлар кенгаши раисининг ўринбосари вазифасига тасдиқланди. Мана шу даврга келиб Атоулло Хўжаев ҳаётида энг драматик воқеалар содир бўлди. Чунки кўп ўтмай большевиклар билан бир неча йил давомида олиб борилган ҳокимият учун курашда асаблари толиқиб оғир хасталикка учраган Файзулла Хўжаев 1922 йил 25 сентябрида даволаниш учун Германияга жўнаб кетди ва нозирлар кенгашига раҳбарликни ўзининг биринчи ўринбосари Атоулло Хўжаевга топширди. Шундан кейин деярли тўрт ой Файзулла Хўжаев Бухорода бўлмади. Большевиклар Файзулла Хўжаевнинг йўқлигидан фойдаланиб жадидларни ҳокимиятдан маҳрум қилиш тараддудига тушган эдилар. Бироқ улар Атоулло Хўжаев раҳбарлигидаги бир гуруҳ ҳукумат аъзоларининг қатъий қаршилиғига учрадилар. Булар Абдурауф Фитрат, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаев, Ёқубзода эдилар.

Улар большевикларнинг Бухородаги сиёсатини қаттиқ қоралаб чинакам миллий мустақиллик талаблари билан чиқдилар. Хўш, бу сиёсат нимадан иборат эди? 1923 йил ёзига келиб Бухоро Халқ Республикаси ички сиёсатининг асосини

осойишталикни таъминлаш ташкил қилишига ишонч ҳосил қилган шўроларга қаршилик ҳаракати кучлари қуролларини топшириб ҳукуматга таслим бўла бошладилар. Ҳукумат ҳузуридаги ҳарбий трибунал уларни оммавий равишда афв эта бошлади. Бухоро Халқ Республикаси бу кучлар вакиллари-дан маҳаллий милиция ва ҳарбий қисмларни ташкил қилишга киришди.

Бундай ҳаракатлар большевикларни саросимага солиб қўйди. Улар бу Бухоро ҳукуматининг чинакам миллий мустақиллик сари дастлабки қадамлари эканлигини яққол сездилар. Дарҳол Бухоро коммунистик партияси қурултойи йиғилиб ҳарбий трибуналларнинг большевиклардан иборат алоҳида бўлимларини ("особый отдел") ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу аслида маҳаллий трибуналлар ваколатини йўққа чиқариш, таслим бўлаётган "босмачилар"ни қаттиқ жазолаш, қурол-яроғларини мусодара этиб минтақадан олиб чиқишни англатар эди. Амалда ҳокимият жадидлар қўлидан олинмоқда эди.

Ўшанда халқ ҳукумати нозирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Атоулло Хўжаев, ҳукумат ижроия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Муинжон Аминов, халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Абдурауф Фитрат, кенгаш ҳайъатининг аъзоси Саттор Хўжаев ва яна бир қатор республика раҳбарлари қурултой қарорларидан норози эканликларини очиқ баён этдилар. Ўша кечанинг ўзидаёқ Атоулло Хўжаев большевиклар раҳбарларининг ҳузурига келиб қурултой қарорларига жавобан ҳукумат тўла таркибда истеъфога чиқишини маълум қилди. Ўша нотинч замонда бу қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмасди. Шунинг учун ҳам большевик раҳбарлар дарҳол Москвага, Россия ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Караханга телеграмма йўллаб юзага келган фавқулодда вазиятда йўл-йўриқ сўрадилар. Москвадан келган жавоб телеграммасида ҳукумат аъзолари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар олиб бориб уларни истеъфога чиқишдан қайтариш, ўзаро муросяга келиш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди. Унгача Россия компартияси марказий кўмитаси котиблари Куйбишев ва Рудзутак Бухорога етиб келиб марказ томонидан ишлаб чиқиладиган кўрсатмаларни амалга ошириши маълум қилинди.

Кўп ўтмай улар марказ топшириғи билан Бухорога етиб келдилар. Бу пайтгача маҳаллий большевиклар Бухоро ҳукуматининг бир қатор аъзоларини исканжага олиб тазйиқ остида йўлдан қайтаришга муваффақ бўлган эдилар. Атоулло Хўжаев, Муинжон Аминов, Абдурауф Фитрат, Саттор Хўжаев фикрларида қаттиқ турдилар: миллий озодлик ҳаракатида қатнашган Бухоро фуқароларини "особый отдел" эмас, халқ ҳокимияти суд қилиши мумкин, таслим бўлаётганлар қурол-

яроғлари Бухоро ҳукумати ихтиёрида қолиши керак...

Шундан кейин большевик раҳбарлар ташаббуси билан Бутунбухоро қурултойи чақирилиб Атоулло Хўжаев, Муинжон Аминов, Абдурауф Фитрат, Саттор Хўжаев бўйнига ҳақоратомуз айблар қўйилганича, улар Бухородан бадарға қилиндилар. Бу вақтга келиб Бухорога етиб келган Файзулла Хўжаев маслакдошларига ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмади. Бундай ҳаракатлар унинг ўзига нисбатан ҳам шундай чоралар қўлланишига олиб келишини Файзулла Хўжаев яхши тушунарди.

Атоулло Хўжаев шундан кейин сиёсий кураш майдонидан четлашиб турли хўжалик вазифаларида хизмат қилди ва 1938 йилда бошқа жаҳид партияси раҳбарлари қаторида отиб ташланди.

МИРЗО НАРЗУЛЛО

Лутфий таҳаллуси билан ажойиб шеърлар битган Мирзо Нарзулло XX аср бошида бухоролик зиёлилар ўртасида катта шухрат қозонган эди. Ўша даврларда қалам аҳли ҳазил-мутуйибага жуда ўч эди.

Қалин лаблари иягига тушиб турган узун мўйлов билан ёпилган, кенг пешонаси чуқур ажин чизиклари билан қопланган бу киши табиатан жуда қувноқ одам бўлиб суҳбатлари бошидан охиригача латифага ўхшарди. Унинг кўлоблик Мулло Бурхон исмли дўсти бўлиб Муштоқи таҳаллуси билан шеърлар ёзар эди. Кунларнинг бирида Мирзо Нарзулло сўз ўйини қилиб уни "муши тоқи", яъни тоғлик сичқон, деб атади. Бу ҳазил бухороликлар орасида шунчалик тез ёйилиб кетдики, Мулло Бурхон шармандалиқдан қутулиш учун таҳаллусини ўзгартиришга мажбур бўлди. Садриддин Айний "Эсдаликлар"ида бу воқеани мароқ билан хикоя қилади.

Умуман, Мирзо Нарзулло қофия тўғри келганида отасини ҳам аяб ўтирмайдиган сатирик шоир эди. Табиийки, унинг шеърини мисраларида қози, муфти, раис ва бошқа амир амалдорларининг таъзири бериларди.

Шунинг учун 1917 йил мартида жаҳидлар намойишидан кейин биринчи бўлиб қўлга олиниб зиндонга ташланганлар қаторида Мирзо Нарзулло ҳам бор эди. Уни Ҳожи Мирбобо, Садриддин Айний ва яна бир қатор жаҳидлар билан бирга Арк майдонига олиб чиқиб, халойиқ олдида калтакладилар. Бошқалар 75 дарра урилган бўлса, Мирзо Нарзулло 150 дарра калтакланди. Уни нимжон ҳолатда яна зиндоннинг зах конахонасига ташлашди ва бир неча кун ҳеч ким ҳолидан хабар олмади. Қовурға суяклари очилиб қолган, пушти лахта-лахта қон шоир шундай ҳолатда зиндоннинг тошлари устида гоҳ хушига келиб, гоҳ хушидан кетиб озодликка бағишланган шеър

Иbn. Sino nomidagi vityot
universal ilmiy kutubxonasi
raqom № 512852
Ibn Sino nomidagi vityot
universal ilmiy kutubxonasi

рий мисраларни айтиб алахсираб ётди. Когондан Россия Муваққат ҳукуматининг вакиллари келиб Аркдаги ваҳшийликларга чек қўйишни талаб қилганларидан кейин бошқа калтакланган жадиждлар қатори уни ҳам бандиликдан озод этишди ва Когон касалхонасига ётқизишди.

Рус шифокорлари бир неча кун унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кураш олиб боришди. Зах зиндонда ётиш оқибатида унинг ўпкаси йиринглаб тамом бўлган эди. Ўлимидан олдин Мирзо Нарзулло келгуси авлодларга васиятнома ёздирди. Унда амир жаллодлари калтакларидан вафот қилаётганидан пушаймон эмаслигини, аксинча унинг ўлими Бухоро аҳлига озодлик олиб келишидан мамнун эканлигини изҳор этди.

Жадиждлар Мирзо Нарзулло билан Когонда бўлиб ўтган видолашув маросимини иккинчи сиёсий намойишга айлантирдилар. Амир амалдорларининг қаттиқ тақиклашига қарамай юзлаб бухороликлар шоирни кўмиш маросимига етиб келишди. Унда когонлик ишчилар, атроф қишлоқлардан деҳқонлар ҳам иштирок этишди. Қабр бошида Мирзо Нарзуллонинг васиятномаси ўқиб эшиттирилиб, жадиждлар амирлик тузумини ағдариб ташлаш, Бухорода мустақил демократик давлат тузумини ўрнатишга қасамёд қилдилар.

Файзулла Хўжаев ўзининг 1932 йилда нашр этилган "Бухородаги инқилоб ва Ўрта Осиёда миллий чегараланиш тарихи" асарида бу воқеаларни батафсил баён этди. Унда тобутда ётган Мирзо Нарзуллонинг сурати ҳам чоп этилган. Орадан бир неча йил ўтар-ўтмас Мирзо Нарзуллонинг орзу-умидлари амалга ошди. Жадиждлар қизил аскарлар кўмагида 1920 йил сентябрида ҳокимиятни қўлга олиб Бухоро Халқ Республикасини ташкил қилдилар. Республика ҳукумати амалга оширган дастлабки маърифий тадбирлардан бири Лаби Ҳовузда Мирзо Нарзулло номли клубнинг очилиши бўлди. 20-йилларда клуб бухоролик зиёлилар тўпланадиган энг гавжум жой эди. Улар бу ерда газеталарни мутолаа этиб, сиёсий мунозаралар юритишар, шеърхонликлар қилишарди. Янги ҳукумат тарғиботчилари ҳам ҳар ҳафта шу ерда тўпланиб иш режаларини тузишар ва омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун вилоят ва қишлоқларга чиқиб кетар эдилар.

Бухоро Халқ Республикаси тугатилгандан кейин Мирзо Нарзулло клуби ҳам ёпилиб, ўрнида қизил чойхона ташкил этилди. Ҳозир бу чойхона ресторанга айлантирилган. Большевиклар Мирзо Нарзулло сингари жадижд қаҳрамонларнинг номларини халқ хотирасидан ўчириб ташлаш учун ҳамма ишни қилдилар. Афсуски, аксарият ёшларимиз Мирзо Нарзулло сингари мустақиллик йўлида ҳалок бўлган кўпчилик жадиждларнинг ҳатто исми-шарифларини ҳам эшитмаганлар. Ваҳоланки, бу инсонлар Бухоро ёшларининг бахтли келажаги учун жонларини фидо қилдилар.

АБДУҚОДИР МУҲИТДИНОВ

Бухорои Шарифнинг Хўжа Зайниддин гузарида кўп йиллар мактаб сифатида фойдаланилиб, ҳозир харобага айланиб қолган катта ҳовли бор. Бу Бухоронинг энг катта бойларидан бири бўлган Муҳитдин Мансуровнинг ҳовлисидир.

Муҳитдин Мансуров хонадони асосан пахта ва қоракўл тери билан савдо қилиб кўпгина хориж мамлакатларида дўконлари бор эди. У илғор фикрли кишилардан бири бўлиб, Бухорода жаҳидчилик ҳаракатини қўллаб қувватлади. Абдуқодир Муҳитдинов 1892 йилда шу хонадонда туғилди. Оиладан уч ўғил вояга етиб, ударнинг барчалари жаҳидчилик ҳаракатида фаол қатнашдилар.

Муҳитдин Мансуров Бухоронинг энг катта миллионери сифатида жаҳидлар томонида туриб Саид Олимхонни мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўтказишга даъват қилди. Мақсадига эришолмагач, тузумга қарши курашда фаол қатнашди, Колесов воқеаларидан кейин ўғиллари билан эмиграцияга кетиб сиёсий ҳаракатни давом эттирди.

Файзулла Хўжаев билан бир вақтда Москвага эмиграцияга кетган Абдуқодир Муҳитдинов энг фаол ёш бухороликлардан бирига айланиб, амирлик тузумини ағдариш учун кўп саъий ҳаракатлар қилди. Улар Москвада биргаликда Коминтерн таркибида Ёш бухороликлар секциясини ташкил қилиб, сиёсий адабиётларни ўзбек ва тожик тилларига таржима қилиб, нашр этиш ва Бухоро амирлигида яширин тарқатиш тадбирларини кўрдилар.

1920 йил сентябрида жаҳидлар ҳокимиятни қўлга олганларидан кейин ота-ўғил ҳукумат таркибига кирдилар. Муҳитдин Мансуров савдо ва саноат нозирини, Абдуқодир Муҳитдинов Бутунбухоро инқилобий кўмитасининг раиси сифатида фаолият кўрсата бошладилар.

Муҳитдин Мансуров ўлкада кооператив ҳаракатни ривожлантириш ташаббускори бўлиб, "Биринчи Бухоро ўртоқлиги" акционерлик жамиятини ташкил қилди ва хориж билан савдо-саноат алоқаларини кенгайтиришга киришди. Унинг ўғли эса жаҳидчилик ҳаракатининг ўнг оқимига бошчилик қилиб, улар Германия, Англия, Эрон, Туркия, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар билан ёш республиканинг иқтисодий алоқаларини кучайтиришни талаб қила бошладилар. Амалда бу Файзулла Хўжаев бошлиқ ҳукумат иқтисодий сиёсатининг бош йўналишига айланди.

Абдуқодир Муҳитдинов рус қўшинларини Бухородан олиб чиқиш, миллий армияни ташкил қилиш, уни Туркистон большевик қўшинлари таркибидан чиқариш ва умуман, сиёсий мустақилликка эришиш тарафдори сифатида йиғилишлар ва матбуот саҳифаларида фикрларини очиқ баён қила бош-

лади. 1921 йил августида Бухоро Халқ Республикаси Марказий ижроия кўмитаси раиси вазифасида ишлаётган Абдуқодир Муҳитдинов сиёсий дастурини Бухоро Халқ Республикаси II курултойи минбаридан туриб расман маълум қилди. Большевиклар тазйиқи остида кўпчилик делегатлар бу дастурга қарши чиқишди. Оқибатда Абдуқодир Муҳитдинов республика марказий ижроия кўмитаси раислигига сайланмади. Файзулла Хўжаев ҳам Абдуқодир Муҳитдинов олға сурган дастур тарафдори эди. Фақат буни очикдан очик баён қилмай амалий тадбирлар билан мустақамламоқда эди. Чунки большевиклар мустақиллик сари ҳар қандай ҳаракат пайини қирқишларини яхши биларди. Большевиклар жаидчилик ҳаракатининг икки йўлбошчиси Файзулла Хўжаев ва Абдуқодир Муҳитдиновни бир-бирига қарама қарши қўйиб, мустақиллик учун кураш ҳаракатини парчалаб ташлашга уриндилар. Улар турли иғво ва бўҳтонларни тарқатиш йўли билан Бухоро жаидларини икки гуруҳга ажратишга муваффақ бўлдилар. Натижада Файзулла Хўжаев ва Абдуқодир Муҳитдинов бир-бирлари билан мурося қила олмай қолдилар. Большевиклар эся гоҳ у, гоҳ бу гуруҳга ён босиб истиқлолчилар сафига парокандалик солиш тадбирларини кўрдилар. Шу мақсадда улар Бухоро ҳукумати таркибидаги учинчи кучсўллардан фойдаландилар. Сўллар асосан қизил кўшин таркибида Бухорога кириб келган ва раҳбарлик лавозимларида ўрнашиб олган татарлар, бошқирлар, форсядар ва бошқа миллат вакиллари бўлиб коммунистик госяларни тарғиб қилар эдилар. Шулардан бири бўлган Нажиб Хўсаинов ўша даврда давлат назорати нозири вазифасида фаолият кўрсатиб, Файзулла Хўжаев ҳукуматини республика маблағларини талон-торож қилиш, хориждаги амир тарафдорлари ва "босмачилар"га ёрдам кўрсатишда айблаб марказга кетма-кет шикоят хатлари йўллаш бошлади. У Файзулла Хўжаев ҳукуматини тарқатиб юбориш ва унинг ўрнига Абдуқодир Муҳитдиновни раҳбарликка кўтариш таклифлари билан Сталинга мурожаат қилди. Ўша даврда Абдуқодир Муҳитдинов халқ хўжалиги кенгаши раиси вазифасида ишлар эди.

Сталин Бухорода содир бўлаётган сиёсий воқеалардан мунтазам хабардор бўлиб вазиятни яхши билар, Абдуқодир Муҳитдинов мустақиллик сари интилишда Файзулла Хўжаевдан қолишмаслигини англади. Шунинг учун ҳам у большевиклар ҳукумати ташқи ишлар комиссари Чичеринга Бухоро Халқ Республикасини умуман йўқотиб юбориш режасини ишлаб чиқишни топширди. 1923 йил кузида бу режани амалга оширишга киришилиб, орадан бир йил ўтар-ўтмас Бухорода жаид ҳокимияти тугатилди.

Ўлкада ҳали шўролар ҳокимиятига садоқатли миллий кадрларни вояга етказиш учун вақт керак эди. Шунинг учун ҳам большевиклар Файзулла Хўжаев ва Абдуқодир Муҳитдинов-

нинг сиёсий қарашларидан хабардор бўлсаларда, уларнинг билим ва тажрибаларидан большевистик тузумни мустаҳкамлашда усталик билан фойдаландилар. Файзула Хўжаев янгидан ташкил этилган Ўзбекистон совет республикаси халқ комиссарлари кенгаши раиси, Абдуқодир Муҳитдинов унинг таркибидаги Тожикистон автоном республикаси халқ комиссарлари кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсата бошладилар.

Абдуқодир Муҳитдинов етук раҳбар сифатида Тожикистон иқтисодиётини кўтариш, маданиятини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди. Аммо шўролар ҳокимияти унинг миллий мустақиллик сари интилишларини унутмади. 1934 йилда Абдуқодир Муҳитдинов миллатчиликда айбланиб отиб ташланди.

МУСОЖОН САЙИДЖОНОВ

Чўққи соқоли узунчоқ оппоқ юзига ярашган, донишмандларга хос кенг манглайли бу киши аср бошида Бухоро зиёлиларининг тимсоли эди, десак хато қилмаймиз.

Мусожон Сайиджонов қоракўл тери савдоси билан шуғулланадиган Йўлдошжон Сайиджон ўғли оиласида 1893 йилда туғилди. Отаси тери савдоси билан Москвага қатнайдиган савдогарлардан эди. У 47 ёшида вафот этиб етти фарзанди етим қолди. Мусожон билан Мухторжон ота касбини давом эттирмай илм йўлини танлашади. Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўрганларидан кейин улар Когонда янгидан очилган рус тузем мактабида ўқишни давом эттиришади. XX асрнинг бошида рус маъмурлари маҳаллий халқнинг тобелигини янада кучайтириш, уларга европача таълим бериш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарлар қатори Когонда ҳам шундай мактабни очган эдилар.

Аммо ака-укалар мустамлакачилар белгилаган йўлдан бормай жаҳидчилик ҳаракатига қўшилишди, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитратнинг етук маслақдошларига айланишди, Бухорода янги мактаблар очиш, аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб боришда фаол қатнашишди.

1917 йил Бухорода жаҳидлар партиясининг Марказий кўмитаси тузилади. Унинг таркибига Мусожон Сайиджонов ҳам киради. Ўшанда Марказкўмнинг ҳар бир аъзоси ўн икки кишидан иборат жаҳидлар гуруҳига раҳбарлик қилар, ҳар бир жаҳид ўз навбатида яна 12 киши сиёсий фаолиятини бошқарар эди. Бундай яширин фаолият амир амалдорлари ва рус маъмурларидан ҳаракат миқёсини пинҳона тутишга имкон берарди.

Россия буржуа-демократик инқилобидан кейин Мусожон

Сайиджонов ва Абдурауф Фитрат Муваққат ҳукуматга телеграмма йўллаб Бухоро амири жаҳидларга эркинлик бериши учун унга таъсир кўрсатишни илтимос қилдилар, аммо жавоб олмадилар. Чунки Россиянинг ўзида большевиклар сиёсий майдонга чиқиб вазият тобора кескинлашмоқда эди. Бундай шароитда жаҳидлар ҳам амир ҳокимиятига муҳолиф ҳаракатларни кучайтирдилар. 1917 йил мартдаги сиёсий намоёниш қадимийлар ва жаҳидлар ўртасида қаттиқ тўқнашув билан туғади. Шундан кейин ака-укалар амир жаллодлари томонидан биринчилар қаторида қатл этилишларини билиб эмиграцияга кетиб жон сақлаб қолишди.

Жаҳидларга хос хислатлар Мусожон қиёфасида айниқса эркин намоён бўлиб қадимийлар анчадан буён унинг юриштуришини кузатиб борар эдилар. Бу жиҳатдан Садриддин Айнийнинг 1940 йилда Тошкентда лотин ёзувида нашр этилган "Бухоро жаллодлари" қиссасида баён этилган маълумотлар диққатга сазовордир.

Унда ёзувчи муҳолифлар кимни жаҳид деб атаб тазйик остига олганларини қуйидагича ифода этади:

"Кўйлагининг ёқасида тугма тақилган, эғнида камзули бўлган, бу камзул айниқса қора рангда бўлган, соқоли калта, мўйлови узун бўлган ҳар қандай киши жаҳид ҳисобланади. Агар у фарзандини жаҳид мактабига ўқишга берган бўлса ёхуд Россия ёки Истамбулга таълим олишга юборган бўлса, ўзи газета ўқиса ёхуд газетхон одамлар билан дўст тутинса у, албатта, жаҳиддир. Агар у рус тилини билса ёхуд Истамбулга бориб келган бўлса, у ҳеч шак-шубҳасиз жаҳиддир. Ҳар кимки бундай кишиларни жаҳид, деб атамаса, демак унинг ўзи ҳам жаҳиддир".

Садриддин Айний таъриф этишича, қозилар, раислар ва бошқа амир амалдорлари жаҳидларнинг ташқи белгиларига мана шундай ифода бериб, барча бухороликларни уларга қарши гиж-гижлаганлар. Ўшанда нафақат Мусожон Сайиджонов, деярли барча жаҳидлар Самарқанд, Тошкент, Россия шаҳарларига қочиб кетиб, уларнинг бир қисми ишсизлик, очликдан нобуд бўлгани рост. Бухорода қолиб қадимийлар қўлига тушган жаҳидлар эса авом оломон томонидан сазойи қилинди ёхуд амир зиндонига тушиб қатл этилди.

Шуни таъкидламоқ лозимки, Мусожон Сайиджонов жаҳидлар ўртасида биринчилардан бўлиб амир ҳокимияти билан сиёсий тўқнашувларга қарши чиқди. У бундай ҳаракатлар учун ҳали вақт эрта деб ҳисоблар эди. Абдувоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний ва яна бир қатор жаҳид намояндалари ҳам шундай фикрда эдилар. Жаҳидлар ўртасидаги бундай келишмовчиликлар сиёсий ҳаракатнинг иккига бўлиниб кетишига сабабчи бўлди. Мусожон Сайиджонов амир ҳокимияти ва рус маъмурлари билан музокаралар олиб бориб жаҳидларга сиёсий ҳаракат учун руҳсат олишни так-

лиф қилди. Жадид партиясининг вакиллари амир Олимхон қабулида бўлишди. Аммо музокаралардан натижа чиқмай жадидларнинг сўл қаноти фикри устун чиқди. Натижада биз юқорида таъкид қилганимиздек, қадимийлар ва жадидлар ўртасида низо кескин тус олиб катта қон тўкишларга олиб келди.

Жадидлар қаторида эмиграцияга кетган Мухторжон кўп ўтмай Туркистон армияси сафларига хизматга кирди, 1920 йил сентябрида Бухорога ҳарбий ҳужум ҳаракатларида қатнашди. Сиёсий ҳаракатларнинг бундай усулларини қабул қилмаган Мусожон Сайиджонов эса жадидлар билан алоқасини узиб, илмий-маърифий фаолият билан шуғулланди. Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилгандан кейин Мусожон Сайиджонов турли даврларда озиқ-овқат, давлат назорати, иқтисодиёт, маориф халқ нозирликларига раҳбарлик қилди. 1925 йилдан кейин Ўзбекистон тарихий обидаларини муҳофаза қилиш кўмитасига бошчилик қилди. У 20 -йиллар бошида Абдурауф Фитрат билан ҳамкорликда Бухорода кутубхоначилик, музей ишини йўлга қўйиш, миллий санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Абдурауф Фитрат Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати таркибидан чиқарилиб мамлакатдан бадарға қилинганидан кейин Москва ва Ленинградда кўпгина рус олимлари билан алоқа ўрнатиб уларни Мусожон Сайиджонов ҳузурига юборди. Бунинг туфайли Бухоро шашмақоми нотага ёзиб олинди, қадимий қўлёзмаларни ўрганишга киришилди, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва бошқа хайрли ишлар бошлаб юборилди.

30-йиллар ўртасига келиб бошқа собиқ жадидлар қатори Мусожон Сайиджонов ҳам шўролар ҳукумати томонидан тазйиққа олиниб, барча вазифаларидан озод этилди. Аммо у шундан кейин ҳам илмий фаолият билан машғул бўлди. Угли—марҳум шифокор Улуғ Мусаевич Сайиджонов муаллифга хотираларини сўзлаб берганига кўра, оталарининг асосий вақтлари шахсий кутубхоналарида сақланган минглаб ажойиб китобларни мутолаа этиш ва илмий ижод билан ўтган. Мусожон Сайиджонов нафақат Бухоро, балким Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз тарихининг ҳам билимдонларидан эди. Афсуски, у келгуси авлодларга мерос сифатида қолдирган "Бухоро тарихи", "Шайбонийнома", "Бухоро атрофида жойлашган мақбаралар", "Чил духтарон", "Масжиди Калон" ва яна ўнлаб асарлар ҳамон қўлёзма тарзида Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

1937 йил охирида Мусожон Сайиджонов ва Мухторжон Сайиджонов ҳам Файзулла Хўжаевнинг сафдошлари сифатида Абдурауф Фитрат ва бошқа бухоролик собиқ жадидлар қатори ҳибсга олиниб кўп ўтмай қатл этилди.

РАҲМАТ РАФИҚ АБДУЛЛАБЕКОВ

Бухоронинг энг қадимий обидаси — Минораи Калон қаршисидаги ҳовлиларнинг бирида мармар лавҳа ўрнатилган. Унда бу ҳовлида миллий мустақиллигимиз учун оташин курашчи Раҳмат Рафиқ Абдуллабеков яшаганлиги қайд этилган.

Раҳматжон Абдуллабеков 1886 йилда мана шу ҳовлида Мир Араб мадрасасининг имоми Ҳожи Иброҳимбек оиласида дунёга келган учинчи фарзанд эди. Улар тўрт ака-ука эдилар. Шуларнинг ичида Раҳматжон билими, зеҳни ўткирлиги билан ажралиб турарди. Ҳали Мир-Араб мадрасасида таҳсил кўрган йиллари отаси вафот қилиб, у акаси Мусабек билан бирга Тошкентдаги рус-тузем мактабида таҳсил кўради. Қисқа муддатда дунёвий билимларни эгаллаб, рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлашадиган, кундалик газеталарни мунтазам мутолаа этиб борадиган зиёлига айланади.

Раҳматжон мактабни 22 ёшида тугатиб она-шаҳрига қайтди. Бу пайтда Бухорои Шарифда жаҳидчилик ҳаракати эндигина қанот ёзаётган эди. Бухоролик ёшлар маърифий ислохотларни шахсий ташаббус кўрсатиб дадиллик билан амалга оширмоқда эдилар. "Рафиқ" унинг партиявий таҳаллуси эди. Раҳматжон имомнинг ўғли бўлсада таълим-тарбияда диний усулларни чеклашни талаб қилувчилар қаторида турди. Ўша йилларда жаҳидлар дин арбоблари билан "муттаҳид иттифоқ" тузиб уламо ва зиёлилар куч-ғайратини бирлаштириш, миллат ривожини учун ҳамжихат ҳаракат қилишни таклиф этдилар. Аммо бу таклифларга дин арбоблари рад жавобини бериб янгилик ташаббускорлари бўлган жаҳидларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, амир амалдорларини уларга қарши гижгилдилар. Пировардида бу жаҳидлар ва қадимийлар ўртасида ҳосил бўлаётган жарликни тобора чуқурлаштирди.

Тошкентда европача таълим олиб жаҳидларнинг "Тараққий", "Хуршид", "Шухрат" сингари рўзномаларини мунтазам ўқиб борган Раҳмат Абдуллабеков сингари ёшлар айниқса муросасизлик билан ҳаракат қилдилар. Улар диний таассуф ва фанатизмга қарши очикчасига кураш олиб бордилар, диний ақидапараст мактаблар ўрнига дунёвий илмларни тарғиб эттирдилар, маҳаллий тадбиркорларнинг хориж билан ҳамкорлигини кенгайтиришга имкониятлар яратиш талабларини қўйдилар.

1918 йил март воқеаларидан кейин бошқа жаҳид раҳбарлари қатори Раҳмат Рафиқ ҳам эмиграцияга кетди. Файзулла Хўжаев Тошкентдаги жаҳидлар фаолиятига раҳбарлик қилса, Раҳмат Рафиқ Самарқандда ўрнашган жаҳидлар ишини бошқарди. Садриддин Айний, Атоулло Хўжаев ва яна бир қатор йирик жаҳид намояндалари у билан бирга Бухородан эмиг-

рация қилган ёш бухороликларни ишга жойлаштириш, партиявий фаолиятни сусайтирмаслик масалалари билан шуғулландилар.

Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилгандан кейин Файзулла Хўжаев Раҳмат Рафиқга республиканинг РСФСР даги вакили вазифасини таклиф қилди. У дарҳол Москвага жўнаб кетди, Россия ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий-маданий алоқаларни кучайтириш тадбирларини кўрди. Унинг вакиллик даврида Москвада Бухоро маориф уйи ташкил этилиб, деярли 300 бухоролик бола, шу жумладан, 39 нафар қиз бу ерда таълим-тарбия олишди. Раҳмат Рафиқ болаларнинг ҳеч қандай камчиликсиз ўқишлари, моддий жиҳатдан яхши таъминланишлари учун барча шароитларни яратди. Москва-нинг машҳур олий ўқув юртлари олимлари бухоролик ёшларга таълим беришар эди. Улар ўқийдиган ва яшайдиган бино энг йирик рус тадбиркорларидан бирининг уйи бўлиб, республика уни Бухоро маориф уйи учун сотиб олганди. Ёзги пайтларда улар яхши ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун Москва атрофидаги ўрмонзорда сиҳатгоҳ яратилди.

Файзулла Хўжаев ҳар гал Москвада бўлганида Бухоро маориф уйига кириб болаларнинг аҳволи билан танишар, Раҳмат Рафиқ билан биргаликда уларнинг барча муаммоларини ҳал қиларди.

1922 йилнинг бошида жадидлар ва коммунистлар ўртасида кескинлик кучайиб вазият мураккаблашгандан кейин Файзулла Хўжаев Раҳмат Рафиқни Бухорога чақириб олади. Раҳмат Рафиқ ниҳоятда ақлли ва ғайратли киши эди, маъмурий ишни қойиллатиб ташкил қиларди. Шунинг учун ҳам лавозимларда тобора кўтарилиб борди. 1922 йил мартада у ташқи ишлар нозири ва давлат назорати бошлиғи вазифасида фаолият кўрсата бошлайди.

У дастлаб ҳарбий ишлар маҳкамаси бошлиғи, сўнгра олий трибунал аъзоси этиб тайинланади. Олий трибунал республиканинг жазо органи бўлиб, ҳокимиятга қарши ҳаракат қилган, турли суиистеъмолларга йўл қўйган кишиларни қақшатгич жазоларди. Трибунал йиғилишлари ошкоралик руҳида Масжиди Калонда жума намозидан кейин ўтиб, барча бухороликлар янги ҳукумат нақадар адолатли йўл тутаётганлиги гувоҳи бўлишарди.

Қирра бурни ва унинг остидаги мўйлови туфайли кавказликларга ўхшаб кетадиган бу йигит кейинчалик Шарқий Бухорода шўролар ҳокимиятига қарши ҳаракатларни бостириш мақсадида диктаторлик комиссиясига раис этиб тайинлангани ҳам рост. Ўша даҳшатли йилларда ота ўғилга, ака укага қарши жанг қилгани ҳам муболаға эмас. Жадидларнинг бир қисми Шарқий Бухорога кетиб қизил аскарлар билан аёвсиз жанг қилдилар, бошқа бир қисми эса большевикларнинг ав-

раб алдашига ишониб бу ҳаракатни бостиришда фаол қатнашдилар. Уларнинг бири Раҳмат Рафиқ эди. Шунинг учун ҳам Атоулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаев, Абдурауф Фитрат чинакам миллий мустақиллик талаблари билан чиқишганида Раҳмат Рафиқ уларни қўллаб-қувватламади. Большевиклар турли усуллар билан жаҳидлар ўртасида раҳна солиш, уларни гуруҳларга ажратиб заифлаштириш учун барча тадбирларни кўрдилар. Бухоро Халқ Республикаси тугатилганидан кейин Раҳмат Рафиқ Ўзбекистон ҳукумати ташқи ишлар нозири этиб тайинланди, кўп ўтмай маориф нозири, сўнгра ички ишлар нозири вазифасига ўтказилди. Қайси лавозимда ишламасин у вазифасини сидқидил бажаришга ҳаракат қилди.

30- йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда собиқ жаҳидларга нисбатан тазйиқ кучайди, матбуот саҳифаларида, турли йиғинларда улар қаттиқ таъқиб қилиндилар. Охир-оқибатда бундай ҳаракатлар уларни ҳибсга олиб халқ душманлигига айблаш учун асос бўлди. Раҳмат Рафиқ ҳам бошқа жаҳидлар қатори қатл этилди.

САИД АҲРОРИЙ

Саид Аҳрорий Бухорои Шарифнинг биринчи журналистларидан эди.

Туркияда таълим олган бу жаҳид Бухорога қайтиб келганидан кейин дастлаб маърифий, кейинчалик миллий истиқлол ҳаракатида фаол қатнашиб, халқни амирлик тузуми зулмидан озод қилиш йўлида кураш олиб борди, истиқлолга бағишланган шеърлар ёзди. Бухорода 1920 йил сентябрида халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Абдурауф Фитрат, Мусо Сайиджонов ва бошқа зиёлилар билан бир сафда туриб барча вилоятлар ва туманларда янги усулдаги мактаблар очилишида жонбозлик кўрсатди.

Саид Аҳрорий айниқса маҳаллий матбуотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ҳали 1920 йилнинг апрелида Тошкентда эмиграцияда бўлган даврида Файзулла Хўжаев муҳаррирлигида "Учкун" газетасининг дастлабки сони чиққанида Саид Аҳрорий таҳририятнинг энг фаол аъзоларидан бири эди. Ёш бухороликлар Туркистон бюросининг нашри бўлган мазкур газетанинг дастлабки сони 15 апрелда чиқиб, у ҳар ойда икки марта 5 минг нусхада яширин йўллар билан Бухоро фуқаролари ўртасида тарқатиларди. Мазкур газета Бухорода жаҳидлар ҳокимияти ўрнатилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бухоро Халқ Республикаси ташкил этилиши билан Саид Аҳрорий республикада ташкил этилган давлат нашриёти раҳбарлигига тайинланади. "Учкун"га ворислик қилган "Бухоро

ахбори" газетасининг дастлабки сонларини нашр этишда, турли сиёсий ва маърифий адабиётларни чоп этишда Саид Ахрорийнинг ташкилотчилик қобилияти ёрқин намоён бўлади.

Бухоро Халқ Республикаси мустақил давлат сифатида хорижда элчихона ва ваколатхоналарини очишга киришганида Саид Ахрорий БХРнинг Озарбайжондаги доимий ваколатхонаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатади. Уша даврда республика ташқи ишлар нозири вазифасида ишлаётган Абдурауф Фитратнинг кўрсатмаси билан у Озарбайжон жадидлари билан яқин алоқада бўлиб мустақиллик учун кураш ҳаракатида янги тажриба орттиради, бир неча марта Бокуда Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитратнинг Озарбайжон раҳбарлари билан учрашувларини уюштириб, улар шўролар тузумига қарши курашда ҳамкорлик усулларини келишиб олишади.

Мустақиллик учун курашнинг энг жанговар арбоблари бўлган Абдурауф Фитрат, Атоулло Хўжаев, Муинжон Аминов, Саттор Хўжаевлар халқ ҳукумати таркибидан чиқарилиб, Бухородан бадарға қилингандан кейин республиканинг хориждаги ваколатхоналари шўролар тазйиқи билан ёпилди. Бухорога қайтиб келган Саид Ахрорий "Бухоро ахбори" газетасининг муҳаррири этиб тайинланди. Аммо кўп ўтмай "Бухоро ахбори" "Озод Бухоро" номи билан чиқа бошлаб таҳририят таркибидан кўпчилик жадидлар четлаштирилади. Фақат шахсан Файзулла Хўжаевнинг Саид Ахрорийга ҳомийлиги туфайли ҳеч ким уни муҳаррирлик лавозимидан четлаштиришга журъат қилмайди. Газета имконият даражасида мустақиллик гоёларини ўз саҳифаларида тарғиб этишда давом этди.

Большевиклар ташаббуси билан Туркистонда миллий чегараланишни ўтказиш гоёси ўртага ташланганида миллий истиқлол манфаатларини ҳимоя қилишга журъат этган Бухоро жадидларидан бири Саид Ахрорий эди. У Ўзбекистон Республикаси ташкил этилар экан, унда барча раҳбарлик лавозимларида маҳаллий халқ вакиллари ишлаши керак, деган талабни қўйди. Унинг бу тўғридаги мақоласи "Ёш ленинчи" газетасида чоп этилиб катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ушанда Бухоро коммунистик партияси тарғибот-ташвиқот шўъбасига мудирлик қилган Аббос Алиев "Озод Бухоро" газетасида Саид Ахрорий таклифларига қарши мақола эълон қилиб, муаллифни миллатчиликда айблади. Натижада икки ўртадаги кураш кескин тус олиб нафақат Бухоро, бутун Туркистонда бу масалада сиёсий мунозаралар бошланди.

Файзулла Хўжаев бир неча йиғилишларда сўзга чиқиб Саид Ахрорийнинг фикрини тўла тасдиқлади. Бу эса эҳтиросларнинг янада кучайишига сабабчи бўлди. Бухоро компартияси марказий кўмитасида биринчи раҳбар лавозимида фаолият кўрсатаётган Мавлонбеков йиғилишларнинг бирида Файзул-

ла Хўжаевни миллатчиларни қўллаб-қувватлашда айблади. Бунга жавобан Файзулла Хўжаев сўзга чиқиб Мавлонбековни саводсизликда айблаб Саид Аҳрорийни миллий истиқлол тарғиботчиси деб атади.

Бунинг оқибатида Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати ва компартия раҳбарлари ўртасидаги низо кескин ва очиқ тус олди. Катта бир йиғинда Файзулла Хўжаев Мавлонбеков саломлашиш учун узатган қўлини қисмай ўтиб кетди. Бу деярли маслақдошсиз қолган Файзулла Хўжаевнинг Саид Аҳрорийни нақадар қўллаб-қувватлаши ва уни ҳимоя қилиб ҳар қандай хавф-хатарга тайёр эканлигига ишончли далилдир.

Шундай бўлишига қарамай большевиклар ўшанда Саид Аҳрорийни "Озод Бухоро" газетаси муҳаррири вазифасидан четлаштириб, бу лавозимга ишончли ходимлари Аббос Алиевни қўйишга муваффақ бўлдилар.

Ўшанда эса Файзулла Хўжаев Саид Аҳрорийни шўро қузғунлари чўқиб ташлашларига йўл қўймади. У Ўзбекистон ҳукуматига бошлиқ этиб тайинланганидан кейин Саид Аҳрорийни нозирлар кенгаши аппаратига масъул лавозимга ишга таклиф қилди. Саид Аҳрорий кўп йиллар бу вазифада фаолият кўрсатиб, республикада нашриётчилик, матбуот ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Мухолифлар Файзулла Хўжаевни тўрт томонлама исканжага олиб, охир-оқибатда отувга ҳукм қилар эканлар унинг маслақдошлари қаторида Саид Аҳрорийнинг ҳам жисмини йўқ қилиб ташладилар. Аммо унинг исмини халқ хотирасидан мутлақо ўчириб бўлмади.

ҚОРИ ЙЎЛДОШ ПЎЛАТОВ

Қори Йўлдош Пўлатов 1896 йилда ҳозирги Туркменистон Республикасининг Карки шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ёшлиқдан билимга чанқоқ ўсмир Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўриб қисқа муддатда қори даражасига етди. Кейинчалик бу сифатлаш умрбод унинг исми шарифига қўшиб айтиладиган бўлди.

Асримиз бошида Қори Йўлдош Пўлатов Бухорода таълим олиш жараёнида қадимийлардан тобора узоқлашиб, жадидлар билан маслақдош бўлди. Кўп ўтмай у она шаҳрига қайтиб, Каркида жадид мактабини очди, илғор ғояларни маҳаллий зиёлилар ўртасида тарғиб қилди. Жадидчилик ҳаракати амир томонидан тақиқланганидан кейин сиёсий ишнинг яширин услуларига ўтди.

Колесов воқеаларида фаол қатнашган Қори Йўлдош мағлубиятдан кейин Самарқандга муҳожирликка кетишга мажбур бўлди, аммо сиёсий ҳаракатдан узоқлашмади. 1920 йил январида Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги Ёш бухоролик-

лар партияси Туркистон бюроси таркибига кириб ўлкада жа-
дид ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашди.

Бухорода ҳокимият қўлга олинганидан кейин у халқ мао-
рифи нозирлари, республикани муҳофаза қилиш қўшинлари
қўмондони, молия вазири лавозимларида фаолият кўрсат-
ди. 1924 йилда у қисқа муддат "Бухоро ахбори" газетаси
масъул муҳаррири вазифасига тайинланди. Бу жаҳидлар ва
большевиклар ўртасида ҳокимият учун кураш айна қизиган
бир пайтга тўғри келди.

Таҳририятда ҳам вазият оғир эди. Унинг таркибида боль-
шевиклар тарафдорлари кўпайиб, жамоани ғоят усталик би-
лан бошқаришга тўғри келарди. Охир-оқибатда Бухоро Халқ
Республикаси тугатилиб, газетанинг номи ҳам ўзгартирилган-
дан кейин Қори Йўлдош таҳририятдан кетди. 1924 йилнинг
ноябрида у Файзулла Хўжаевнинг тавсиясига биноан Ўзбе-
кистон Республикаси молия нозирлари вазифасига тасдиқланди.

Файзулла Хўжаев ҳукумат бошлиғи сифатида молия, соғ-
лиқни сақлаш ва яна бир қатор нозирликлар ишини шахсан
ўзи назорат остига олиб бошқарарди. Табиийки, республи-
ка иқтисодиётини мустаҳкамлаш, молиявий фаолиятни яхши
йўлга қўйишда Файзулла Хўжаев таянган раҳбарлардан бири
Қори Йўлдош Пўлатов бўлди. Бу даврга келиб у молия иши-
нинг республикадаги чуқур билимдонларидан бирига айлан-
ган эди.

Бироқ, шўролар ҳокимияти даврида соғлом иқтисодиёт-
ни қарор топтириш йўлига ҳар қандай тўсиқлар қўйила бош-
ланди. Хусусан қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш,
иқтисодиётда хусусий мулкни тобора чеклаш, савдогарлар
ва хунармандлар даромадига катта солиқлар солиш ва бош-
қа тадбирлар энди юксалиб бораётган иқтисодиётга путур
етказа бошлади.

Республиканинг 18 йилик давлат арбоби бундай сиёсат-
дан норозилик баён этиб ҳукумат таркибидан чиқишлари
тўғрисида жамоа бўлиб ариза ёзишди. Уларнинг ичида Қори
Йўлдош Пўлатов ҳам бор эди. 1927 йилнинг кузида больше-
виклар партиясининг Ўрта Осиё бюроси йиғилишида Фай-
зулла Хўжаев "18 лар қўмитаси" раҳбари сифатида қаттиқ
танқидга учради. Шундан кейин мамлакат бўйлаб ўтган пар-
тия йиғилишларида, матбуот саҳифаларида большевиклар
сиёсатига қарши чиқишга журъат қилган ўн саккиз раҳбар-
га нисбатан оммавий тазйиқ бошланди. Бундай шароитда бо-
шқа раҳбарлар қатори Қори Йўлдош Пўлатов ҳам "тавба"
қилишга мажбур бўлди.

Қори Йўлдош Пўлатов Бухоро жаҳидлари ўртасида етмиш
беш ёшида ўз ажали билан она юртида вафот қилган ягона
арбоблардан бири десак муболаға бўлмайди. Қатағон азоб-
ларини бошдан кечирган бўлсада тақдир уни жисми ўзга юрт-
ларда қолиб кетиши кулфатидан асраб қолди.

ХАЗОН БЎЛГАН ҒУНЧАЛАР

(ҳужжатли қисса)

ХОРИЖ САФАРИ

Сентябрда Бухорода олтин фасл бошланади. Жазирама кунлар поёнига етиб, оқшом шабадаси танга ором бағишлайди, боғлар ва тоқзорларда ҳил-ҳил пишган мева ва узумларга лаззат беради. Шунинг учун мезон Бухорода сайллар мавсуми ҳисобланади.

Бундан ропа-роса 79 йил муқаддам худди шундай кунларнинг бирида Регистон майдонида катта сайл бўлиб Халқ Республикаси бир йиллиги нишонланди. Қўлларига зангори ленталар боғлаган ёшлар "Озодлик", "Тенглик", "Тараққиёт" шиорлари билан майдонга чиқдилар.

Минбарга кўтарилган Файзулла Хўжаев майдон ёнидаги хиёбонда республиканинг биринчи олий ўқув юрти— дорилмуаллимин барпо этилишини маълум қилиб, унинг пойдеворида биринчи ғиштни қўйди ва қурилиш харажатлари учун олтин дастали қиличини ҳадя этди. Бухороликлар мамлакат бўйлаб хайрия тўплаб, илмнинг илк кошонасини барпо этишга қарор қилдилар.

Байрам тантаналарида истараси совуқ, юмалоқ гардишли ойнак остидаги кўзлари олазарақ хорижлик бир кимса ҳам қатнашди. Олимжон Идрис асли қозочлик татарлардан бўлиб, биринчи жаҳон урушида немисларга асир тушиб, Германияда қолиб кетган ва Берлин яқинидаги Винсдорф шаҳарчасида мусулмон асирлар ташаббуси билан қурилган масжидда имомлик қилмоқда эди. Уни қайси шамол иссиқ жойидан кўтариб Бухоро сари елдиргани ҳамон тарихий жумбоқлигича қолмоқда. Ҳар ҳолда Бухоро ҳукумати бир гуруҳ ёшларни Германияда ўқитиш тараддудида эканлиги унга яхши маълум экан.

Файзулла Хўжаев бошлиқ ҳукумат атиги бир йил ичида халқ хўжалиги фаолиятини изга солиб, мамлакатнинг иқтисодий юксалиши сари илк қадамларни босишга эришди. Бухоро ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиб, дон, пахта, жун, қуруқ мева, қоракўл тери, ипак ва бошқа маҳсулотларни хориж мамлакатларига экспорт қила бошлади. Энди саноат ишлаб чиқаришини кенг йўлга қўймоқ лозим эди. Ютуқларни мустаҳкамлаш учун республика юқори малакали мутахассис-

ларга муҳтож эди. Москва бундай мутахассисларни Бухорога юборишга шошилмасдан энди шаклланаётган мустақил давлатнинг қадамларини хавотирлик билан кузатмоқда эди. Чунки Бухоро Халқ Республикасининг давлат мустақиллигини тўлалигича қўлга киритиши нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон, қолаверса Марказий Осиёнинг большевиклар қарамлигидан қутулишини билдирарди. Бухоро минтақада шунчалик катта мавқега эга эди. Большевиклар таъқиби остида ҳам халқ ҳокимияти мамлакатда 51 та умумтаълим мактаби, 11 та ҳунар-техника таълими, 5 та мусиқа мактаби очишга муваффақ бўлди.

Москва сафарларидан бирида Файзулла Хўжаев Россия ташқи ишлар вазири Чичерин, маориф вазири Луначарский ҳузурида бўлиб, маҳаллий ёшларни хорижда ўқитиш режаларини баён этди. Бундай пайтда ёш республика йўлбошчисининг интилишларига монелик қилиш Туркистонда қаршилиқ ҳаракатини кучайтиришини улар яхши тушунар эдилар. Лениннинг ўзи бойиш шиорини ўртага ташлаб, барча Шарқ халқлари ўз тақдирини ўзи белгилашини маълум қилганди.

Шундай пайтда германиялик меҳмоннинг ўз оёғи билан Бухорога келиши айтилган бўлди. Республиканинг етук намояндаларидан Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Мусо Сайиджонов ва бошқалар хорижда ўқиш гоёсини қўллаб-қувватлаб, Олимжон Идрис ёрдамида ёшларни Германияда ўқитишни ташкил этишни таклиф қилдилар. Олимжон Идрис ҳам бу таклифни қабул қилиб амалий ёрдам кўрсатишга розилик билдирди ва Берлинга жўнаб кетиши билан тегишли тайёргарлик ишларини бошлашига ишонтирди.

Хорижда ўқиш гоёси тобора етилмоқда эди. Бухоро Халқ Республикаси кичик кенгашининг орадан беш ой кейин ўтган йиғилишида бу масала кенг муҳокамага сабаб бўлди. Ёшларни танлаш, узоқ сафарга тайёрлаш масъулияти республика ташқи ишлар ва маориф вазири Абдурауф Фитрат зиммасига юклатилди.

Олис юртга жўнаб, узоқ йиллар таҳсил кўришни ҳар ким ҳам истамасди. Кўпчилик ота-оналар ғайридинлар орасида фарзандларининг таълим олишига қарши эдилар. Шунинг учун кўпинча 14-16 ёшлиқ етим болаларни танлашга тўғри келди. Фитратнинг ташаббуси билан бошқа миллат фарзандларини ҳам ўқишга сафарбар этишга қарор қилинди. Шу мақсадда Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларга вакиллар юборилди. Фитрат Туркистоннинг турли шаҳарлари ижод майдонида пайдо бўла бошлаган иқтидорли ёшларни ўқишга даъват этди. Улар 2-3 киши бўлиб Бухорога кела бошладилар.

Шундай қилиб, 1922 йилнинг ёзига келиб Бухорода хорижда ўқиш иштиёқини билдирган қирққа яқин ўсмирлар ва

қизлар тўпландилар. Абдурауф Фитрат уларни Самарқандга олиб бориб, амир Темур сағанаси ёнида тиз чўкиб қасамёд этишга даъват қилди. Бу миллий истиклол ғояларига умрбод садоқат кўрсатиш, эл орасида илм-маърифат тарқатиш тўғрисида қасамёд эди.

Бу муқаддас қасамёд тўғрисида гап борар экан, беихтиёр Абдурауф Фитратнинг қуйидаги мисралари хотирга келади.

**Оҳ, Темур, бобокалоним!
Ватаним бош-оёғи яланг,
Танасида ададсиз қамчи излари,
Кўксидаги яраларидан қон томаяпти,
Ҳолсиз, дармонсиз...
Оҳ, Темур!
Шарафи таланган,
Номус-эътибори, иймон виждони
Оёқ ости бўлган,
Юрт булоғи ўчоғи
Ёт қўлларга тушган авлод
Сенинг ҳузурингга паноҳ излаб келди.**

Ёшларни қасамёд қилдириш фикри шоирда мана шу мисралари таъсири остида пайдо бўлган эмасми? Бухоролик ёшлар қатори Германияга ўқишга бориб, кейинчалик бутун умри муҳожирликда ўтган Вали Қаюмхоннинг эслашича, ўшанда улар Темур сағанаси олдида сиёсат билан шуғулланмаслик, бир умр илм-маърифат зиёсини эл ўртасида тарқатишга қасам ичдилар.

Абдували Қаюмхон Тошкентнинг Пичоқчи маҳалласида ўз даврининг билимдан кишиларидан бири бўлган Қаюм Қорининг оиласида туғилганди. У жадидлар Ҳадрада очган янги усулдаги мактабда Фитрат кўлида таҳсил кўрди. Фитрат унинг билимга чанқоқлигини кўриб кейинчалик Германияга ўқишга боришга таклиф қилди.

Ўша вақтда бухоролик ёшлар нафақат Германияда, Туркия, Россия шаҳарларига ҳам юборилди. Уларнинг ичида 22 нафар қиз бола ҳам бор эди.

Республиканинг хорижда таҳсил кўрадиган ёшлардан умиди катта эди. Шунинг учун 39 кишилик гуруҳни шахсан Файзулла Хўжаевнинг ўзи Германияга олиб борадиган бўлди. Бу пайтга келиб ҳар кеча-кундузда 18-20 соатдан зўриқиб ишлаган давлат раҳбарининг саломатлигига путур етган, асаб толиқиши, камқонлик ва кўп ойлар давом этаётган безгак унинг танасини зир қақшатмоқда эди.

Файзулла Хўжаев даволаниш, ёшларни ўқишга жойлаштириш ва Германия билан савдо-саноат алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида олис сафарга чиқди. Унга ёшларнинг му-

раббийси сифатида Абдувоҳид Бурҳонов ҳамроҳлик қилди. Улар болаларнинг саломатлигидан хабардор бўлиш учун собиқ амир саройида ҳақимлик қилган икки табибни ҳам бирга олдилар.

Веймар Демократик Республикаси Бухоро Халқ Республикаси вакиллари катта тантана билан кутиб олди. Германия монархия тузумидан воз кечиб, конституцион демократик давлат яратганига ҳали уч йил ҳам бўлган эмасди. Немислар тараққиёт йўлига чиқишга интилаётган барча халқлар учун мамлакат дарвозаларини кенг очган эдилар. Газета ва журналларнинг мухбирлари улар билан суҳбатлашиб, матбуот нашрларида "Туркистон қайта туғилмоқда, туғилаверсин!" деган сарлавҳалар остида мақолалар эълон қилишди.

Немис оилалари бухоролик ўғил-қизларни кучоқ очиб кутиб олдилар. Даствлаб Берлин яқинидаги Бенедорф қишлоғидаги лагерда сақланган болалар кўп ўтмай немис хонадонларига жойлаштирилиб, барча турмуш шароитларига эга бўлдилар. Немис болалари билан кундалик жонли мулоқот уларнинг қисқа муддатда тилни яхши ўзлаштиришларига имкон берди.

Файзулла Хўжаев болаларни уйма-уй жойлаштириб бўлгач, Германия пойтахтида Бухоро Халқ Республикасининг ваколатхонасини очишга эришди. Олимжон Идрис имом хатибликдан воз кечиб, ваколатхонанинг маданий ишлар бўйича масъул ходимига айланди. Немис яҳудийларидан Хеймниц унга ёрдамчилик қилди. Абдувоҳид Бурҳонов эса яна бир неча ой туркистонлик ўқувчилар билан алоқани таъминлаб Бухоро — Берлин йўналишида қатнаб турди.

Файзулла Хўжаев ташаббуси билан Берлиннинг марказий кўчаларидан биридаги муҳташам меҳмонхона ваколатхона эҳтиёжлари учун сотиб олинди. Бухоролик талабаларга яхшигина стипендия белгиланиб, уларнинг эҳтиёжларига Германия банкларида махсус ҳисоб рақамлари очилди.

1922 йилнинг ноябрида Файзулла Хўжаев ёшларнинг Германияда таълим олиши билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилиб, ўзаро савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш учун бир қатор масалаларни ечиб, соғлигини анча тиклаган ҳолда Москвага қайтди. Бухоро фарзандлари эса Германияда таҳсил кўра бошладилар.

Немис хонадонларидаги олти ойлик истиқомат ва хорижликлар билан кундалик мулоқот бухоролик ёшларнинг қисқа муддатда ўзга тилда бурро сўзлашадиган қилди. Улар немис шифокорлари, муаллимлари, профессорлари хонадонларида яшамокда эдилар. Худди шу даврда улар махсус муаллимлардан имло сабоқларини олиб, бинойидек ёзув малакасини ҳам ҳосил қилдилар.

Энди уларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига жойлаштириш масаласини ҳал қилмоқ лозим эди. Бу эса асосий

масала. Зероки, Бухоро Халқ Республикасининг истиқболи учун мана шу ёшларнинг ким бўлиб етишишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Бу масаланинг ҳал қилинишида республиканинг Берлиндаги ваколатхонаси ҳузуридаги маданий комиссия аъзоси Абдувоҳид Бурҳоновнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ зарур.

Берлин университети кўп асрлик тарихга эга бўлган жаҳоннинг машҳур дорилфунунларидан бири эди. Бу ердаги профессорлар Шарқ фалсафаси, тилшунослик, кимё, биология, физика ва яна бир қатор соҳаларда ниҳоятда мукаммал билим соҳиби эдилар. Университетнинг собиқ талабалари дунёнинг турли мамлакатларида ажойиб кашфиётлар қилиб, дорилфунун шухратини янада орттирмоқда эдилар.

Абдувоҳид Бурҳонов унга кириш имтиҳонларини топшириш учун энг юксак билим эгаси бўлган ёшларни танлаб олди. Университет профессорлари ҳар бир талабани ўқишга қабул қилишдан илгари билим даражасини аниқлаш учун ниҳоятда қаттиқ исканжага олишлари унга яхши маълум эди. Аммо бухороликларнинг Германияга келганликларига энди ярим йил бўлганлиги инобатга олиниб, айрим мураккаб саволларга она тилида жавоб бериш имконияти яратиб берилди. Университетнинг турколог олимлари бошқа соҳаларнинг профессорларига бу масалада ёрдамга келишди. Ўшанда бухороликлардан Баҳоуддин Амин, Солиҳ Муҳаммад, Саттор Жаббор, Аҳмад Шукрий қабул имтиҳонларида олий балл— "прима" олиб, дорилфунунга киришга муваффақ бўлдилар. Бухоро фарзандларининг ютуғидан бениҳоят хурсанд бўлган Абдувоҳид Бурҳонов уларни бирма-бир бағрига босиб пешонасидан ўпди.

Ўшанда Абдувоҳид Бурҳоновнинг ташаббуси билан бухоролик талаба ёшлар билим даражаларига қараб Дрездендаги олий техника мактаби, "Цисталушта Фребель" хотин-қизлар олий мактаби, шу шаҳардаги педагогика ўқув юрти, доктор Факельманнинг хусусий ўрта мактаби, Гельмштат шаҳридаги қишлоқ хўжалик олий мактаби, Саксониядаги кўнчилик мактаби, Лейпцигдаги матбаачилик ўқув юртига ўқишга кириб мамлакат бўйлаб тарқаб кетдилар. Энди уларнинг таълим олиши учун ғамхўрлик қилиш мақсадида бутун Германия бўйлаб узоқ сафарлар қилишга тўғри келди.

Талабаларни хорижда ўқитиш ёш республикадан тобора кўп харажатлар талаб қилмоқда эди. Файзулла Хўжаев Абдувоҳид Бурҳонов билан Бухорода учрашиб узоқ суҳбатда бўлди. Шундан кейин Германиянинг юқорида зикр этилган шаҳарларидаги банкларда талабаларнинг 9-10 йил мобайнида моддий қийинчиликларни ҳис қилмай яшашлари ва ўқишлари учун тегишли молиявий захиралар яратилди.

Натижада бухороликларнинг хориждаги турмушларида жонланиш юз берди. Улар "Озод Шарқ" нашриётини ташкил

қилиб, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний асарларини босмадан чиқардилар. Берлин университети фалсафа факультетининг талабаси Аҳмад Шукрий туркистонлик ва бухоролик ёшлар ташкил қилган "Кўмак" адабий- бадиий журналида илмий мақолалар чоп этиб, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ижодларининг Шекспир, Шиллер сингари буюк адиблар билан қиёсий таҳлилини амалга оширди.

Бухоролик ёшлар бундай жараёнларга Туркистоннинг бошқа шаҳарларидан келганларни ҳам кенг жалб қилдилар. Аммо уларнинг моддий аҳволи анча оғир эди. Ш.Турдиев "Звезда Востока" журналининг 1993 йил 8-сонида босилган "Ўзбекистонские невозвращенцы" мақоласида қайд этишича, ўша йилларда Германияда таҳсил кўраётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Кўмак" хайрия жамғармаси ташкил этилган. Бу ҳаракатнинг бошида буюк маърифатпарварлар Чўлпон, Мунаввар қори, Элбек, Маннон Рамиз, Санжар турганлар. Улар Туркистоннинг турли шаҳарларида хайрия тадбирлари ўтказиб, тўпланган маблағларни Германияга жўнатиб турганлар.

Германиядаги валюта маблағлари ҳисобига Берлиннинг Барбаросса кўчасида тижорат фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида беш қаватли бино сотиб олинади. Бухоро ҳукумати бу ерда зардўзлик, қандакорлик, заргарлик, тикувчилик ва бошқа миллий санъат буюмларини қўйиб, халқаро кўрғазма ташкил қилиш ва шу йўл билан икки мамлакат ўртасидаги тижорат алоқаларини янги поғонага кўтариш ниятида эди.

Лекин хайрия маблағлари ҳисобига Германияда яшаш амримаҳол эди. Шундай вазиятда Бухоро Халқ Республикаси Туркистон Республикасига ёрдамга келиб, бу талабаларнинг ҳам таъминотини ўз зиммасига олди.

Энди харажатлар янада ошиб уларни қандай қилиб қоплаш тўғрисида ўйлаш керак эди. Файзулла Хўжаев Германия билан иқтисодий алоқаларни дарҳол қучайтирмоқ керак, деган қарорга келади. Шу мақсадда уч кишидан иборат бухоролик тадбиркорлар гуруҳи тузилиб Германияга сафарга жўнатилади.

Вали Қаюмхон "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1992 йил 24 апрель сонидagi "Қийратилган қисматлар" мақоласида уларга қарши Германияда уюштирилган суиқасд тафсилотини беради. Тижоратчилар Бухоронинг Берлинда ўз меҳмонхонаси бўлишига қарамай шаҳар чеккасидаги хусусий пансионларнинг бирида жойлаштирилади. Эрта-лаб эса уларнинг газдан заҳарланиб ўлганликлари аниқланади.

Хўш, уларни Берлин вокзалида ким кутиб олган? Нега Бухоро меҳмонхонасига жойлаштириш ўрнига шаҳар чеккасига олиб чиқилган? Кечаси меҳмонлар ухлаб қолганларида ошхонадаги газ жўмрагини ким очиб қўйган?

Умуман, Бухоро билан Германия ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланишига ким қарши эди? Бу қайси бир мамлакат иқтисодий манфаатларига зид келмоқда эди? Албатта, большевиклар манфаатига зид эди. Улар ҳар қандай йўллар билан ҳам Бухоро-Германия алоқаларига чек қўйиш ниятида эдилар.

Бутуниттифоқ марказий ижроия қўмитаси ҳамраиси сифатида олти ой мобайнида Кремлда фаолият кўрсатган Файзулла Хўжаев 1923 йил декабрида Бухорога қайтиб ҳукумат бошлиғи вазифасини бажаришни давом эттирди. Хориждаги ваколатхоналар ҳали тугатилмагани, жойларда миллий истиқлол кайфиятидаги раҳбарлар етарли эканлигидан фойдаланиб ислохотларни кучайтирди. Бунга Халқ нозирлари кичик кенгашининг 1924 йил 9 январдаги йиғилиши мисол бўла олади. Унда Нозирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Отабоев, маориф нозири Мусо Сайиджонов, "Бухоро ахбори", газетаси муҳаррири Саид Аҳрорий ва бошқа тараққийпарвар раҳбарлар иштирок қилиб, йиғилишни Файзулла Хўжаевнинг ўзи бошқарди.

Йиғилишда Германияда таҳсил олаётган ёшлар таъминотига қўшимча маблағ ажратиш масаласи кўриб чиқилди. Чунки Файзулла Хўжаев уларга ёрдам бериш учун сўнгги имкониятлар қолаётганини яхши тушунарди.

Кенгаш Германияда таҳсил кўраётган ҳар бир талабага тилла ақча ҳисобига қўшимча 15 сўмдан мабъағ ажратишга қарор қилди. Натижада ҳар бир талабанинг ойлик стипендияси 75 тилла сўмга етказилиб, келгусида вужудга келиши мумкин бўлган моддий муаммолар ҳал қилинди. Аммо кўп ўтмай большевиклар Бухорода ҳукумат инқирозини эълон қилиб Бухоро Халқ Республикасини тугатдилар.

ВАТАНИГА ҚАЙТИБ НОБУД БЎЛГАНЛАР

Бухоро Халқ Республикасининг тугатилиши дарҳол узоқ Германияда акс садосини топди. Талабаларнинг тўққиз-ўн йил таҳсил кўриши учун немис банкларида очилган ҳисоб рақамлари музлатиб қўйилди. Республиканинг Берлиндаги ваколатхонаси тугатилиб, талабаларнинг тақдирини ҳал қилиш масъулияти Россия Федерацияси элчихонаси ва Германия Компартияси марказий қўмитаси зиммасига юклатилди.

Амалда бухоролик ва туркистонлик талабалар узоқ хорижда ҳужжатсиз ва маблағсиз қолишган эди. Чунки, Россия элчихонаси ходимлари уларнинг Бухоро ва Туркистон республикалари томонидан берилган паспортларини йиғиштириб олишганди. Талабалар ўртасида зудлик билан Ватанга қайтиш

истагини тарғибот қилишга киришилди. Аммо талабалар ўқишни тугатмагунча, Ўзбекистонга қайтмаймиз деб қаттиқ туриб олишди.

Ўзбекистонда хорижда таҳсил олаётган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш жамғармаси ташкил қилинди. Бу ташаббуснинг бошида Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Мунаввар Қори, Мирзо Сомий каби зиёлилар турар эдилар. Улар ўз ҳисобларидан катта маблағларни хайрия қилиб бу жамғармага асос солдилар. Шундан кейин юзлаб ва минглаб маърифатпарварлар бу ҳаракатга қўшилдилар. Қалтис сиёсий вазият вужудга келиб, чет элларда акс садо берди. Совет ҳукумати Берлиндаги "музлатилган" ҳисоб рақамларини қайтадан очиб, талабаларни маблағ билан таъминлашга мажбур бўлди.

Лекин талабаларни қайтариш бўйича тарғибот ишлари зўр бериб давом эттирилди. 1925 йилда шу мақсадда Германияга Москвадаги шарқ коммунистик университетининг ректори профессор Г. Меерсон юборилди. У ўзбекистонлик талабаларга Россияга қайтиб, шу университетда таҳсил кўришни таклиф қилади.

Туркистонлик собиқ талабалардан Вали Қайюмхон "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг 1992 йил 24 апрелдаги сонидида ёзишича, профессор Меерсон элчихона ходимларининг ёрдами билан 15-20 талабаларни алоҳида бир залда тўплаб бу таклифларини баён қилган. Аммо улардан ҳеч ким бу таклифни ҳатто эшитишни ҳам истамаган. Берлин университетининг фалсафа факультети талабаси бухоролик Аҳмад Шукрий эса "Мана сенга, бизнинг жавобимиз" дея хитоб қилганича револьвердан шифтга қарата ўқ отган. Утакаси ёрилган ректор залдан қочиб чиқиб Москва сари жуфтакни ростлаган.

Шундай қилиб, кўпчилик ўзбекистонлик талабалар Германияда тўла таҳсил кўришди. Онда-сонда уларга Ўзбекистонда содир бўлаётган мудҳиш воқеалар тўғрисида хабарлар келиб турарди. Хусусан, 1927 йилда Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаевга кўрсатилаётган тазйиқлар хусусида ахборотлар кела бошлади.

Умуман, бу пайтга келиб Ўзбекистон ижодкорлари ўртасида ҳам тафовут вужудга келиб, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Абдулла Қодирий каби йирик ёзувчи ва шоирлар бир томонда, энди шаклланиб келаётган бир гуруҳ ижодкорлар эса иккинчи томонга ўтиб олган эдилар. Большевиклар таъсирига тушиб қолган бу ёшлар хорижда таҳсил кўраётганларни тез қайтаришни талаб қилиб матбуотда чиқишлар қилмоқда эдилар.

Бу нарса талабаларни хушёр бўлишга мажбур қилди. Ҳали инқилобдан илгари ва кейин сиёсий муҳожир сифатида хорижга кетган бухоролик жадидлар уларни бу йўлдан қайтаришга кўп ҳаракат қилдилар. Хусусан, профессор Ўктой улар

ўртасида Ватанга қайтиш ўлим билан баробарлиги тўғрисида кўп ташвиқот ишларини олиб борди. Унинг асли исми ша-рифи Аҳмад Наим бўлиб Бухоро жадидларининг йўлбошчи-ларидан бири эди. 1923 йилда у ёши бошқалардан анча кат-та бўлишига қарамай Германияга ўқишга борди. Ниҳоятда билимли бу йигит сафаридан мақсад ўқиш эмас хорижда қолиш эди. Кўп ўтмай у талабаларни тарк этиб Франция пой-тахти Парижда яшай бошлади. Лекин тез-тез Берлинда бўлиб, ёш ҳамшаҳарларининг ҳолидан хабар олиб турарди. Унинг таъсири остида бир қатор бухоролик ва туркистонлик ёшлар Германияда қолиш ёхуд бошқа чет элларга кетишга қарор қилдилар. Уларнинг тақдири алоҳида бир асарга арзигулик мавзудир. Биз эса бугун Ўзбекистонга қайтган ёшларнинг аччиқ қисмати тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. Сирасини айт-ганда, улар тўғрисида маълумотларни хориждан излашга тўғри келмоқда. Шунинг учун биз яна Вали Қаюмхоннинг хотирала-рига мурожаат этишга мажбурмиз. Унинг эътироф этишича, бухоролик Саттор Жаббор 1931 йилда Берлин университети кимё-физика факультетини тугатиб, Ўзбекистонга қайтди. Тошкент университетиде ёшларга таҳсил бериш билан бирга илмий изланишлар олиб борди. 1937 йилда "миллатчи, им-периалистлар жосуси" тамғаси билан отиб ташланди. Бер-лин олий зироат мактабини, олий техника мактабини тугат-ган Мўмин Тўлаган, Султон Матқул ва яна бир гуруҳ ёшлар Ватанларига қайтишлари билан "немис жосуси" сифатида ҳибсга олиндилар. Абдул Ваҳоб Мурод Германияда немис қи-зига уйланиб фарзанди билан юртига қайтган эди. Уни Си-бирга сургун қилиб, чиритиб юборишди. Хотини ва боласи эса Германия элчихонаси ёрдамида юртига эсон-омон қай-тишга муваффақ бўлди.

"Бухоро ҳақиқати" газетасида (ҳозирги "Бухоронома") ишлаган марҳум меҳнат фахрийлари Нусрат Ашуров, Ҳабиб Абдуллаев менга 60- йилларда ўз хотираларини айтиб бериб 30- йилларда қатағон қилинган айрим журналистлар, матбаа ходимлари тақдири тўғрисида сўзлаб берганлар. Уларнинг ичида Германияда таълим олган ёшлар ҳам бор эди. Жумла-дан Аброр Рашид таҳририятда бош муҳаррир ўринбосари, Акрам Қовмиддин босмахона мудири вазифаларида фаоли-ят кўрсатганлар. Улар баъзан немис тилини унутмаслик учун шу тилда ўзаро суҳбатлар қурганлар. Табиийки узунқулоқлар бу тўғрида тегишли ташкилотга хабар қилганлар. Кунларнинг бирида улар ўз иш жойларида ҳибсга олиниб кўп ўтмай не-мис жосуслари сифатида қатл этилганлар. Умуман ўша йил-ларда деярли ҳар ҳафта таҳририят биноси олдида қора ма-шина келиб тўхтаб кимларнидир олиб кетишган ва улар шу билан ном-нишонсиз йўқолган.

Бу айрим талабалар тақдири тўғрисида маълумотлар, хо-лос. Ҳўш, бошқа қайтганларнинг тақдири нима бўлди? Бун-

дан йигирма-ўттиз йил муқаддам мен бухоролик кариялардан бу тўғрида кўп сўраб-суриштиргандим. Ҳанда улар ўттизинчи йилларнинг бошида Бухорода содир бўлган бир ёнги тафсилотини сўзлаб беришганди.

Ҳша даврларда Лаби Ҳовуздаги "Пассаж"да Бухородаги ягона кинотеатр бўлиб, бухороликлар уни "Торикистон" деб аташарди. Кунларнинг бирида кино-театрга гўёки халқаро мавзуда маъруза тинглаш ва янги фильмни томоша қилиш учун барча тараққийпарвар ёшлар, шу жумладан хориж мамлакатларда таҳсил кўрган йигит-қизлар таклиф этиладилар. Лекция тугаб, кинофильм бошлангандан кейин эса залда "номаълум сабабларга" кўра ёнги чиқади. Ҳамма эшикка интилади. Лекин уларнинг иккаласа ҳам ташқаридан тамбаланган эди...

Шундай қилиб, Бухоронинг гули бўлган юзлаб ёшлар тириклайин куйиб кулга айланадилар. Эсини йўқотган оналар бино вайроналаридан фарзандларининг суякларини излайдилар. Бир ҳафта мобайнида Бухоро узра оналарнинг нола-фарёдлари тинмайди, хонадонлардан куйган суяклар қўйилган тобутлар қабристонга олиб чиқилади...

Менга айтиб берилган бундай тафсилотларни эслаганимда ҳалиям аъзойи баданим қалтираб кетади. Уларни бундай даҳшатли тарзда нобуд қилдириш кимга керак эди?

АЛДАНГАНЛАР ФОЖИАСИ

Ажратиб ҳукмронлик қил. Қадимий Рим давлатидан бошлаб кечагача тоталитар бошқарувга асосланган барча мамлакатлар ҳукмдорлари мана шу қоидага амал қилишган, рақибларини гуруҳ ва тўдаларга ажратиб ўзаро жанжалларни рағбатлантириб туришган. Сталин мана шу қоида асосида узоқ йиллар СССР каби бепоён мамлакатга ҳукмини ўтказди.

Марказий Осиёда миллий чегараланишни ўтказишдан ҳам мақсад истиқлол гоёси атрофида уюшиб келаётган жадидларга қақшатқич зарба бериш, уларни бир-биридан ажратиб ташлаш, ўзаро адоват уруғини сепиш эди. Бу мақсадда улар суиқасдлар уюштириш, ёнги ташкил қилиш каби фитналардан ҳам тоймас эдилар.

Германияда таҳсил кўрган ёшлар мана шу сиёсатнинг қурбони бўлишди. Совет ҳокимияти уларнинг жисмини нобуд қилиш билан чекланмай хотирасини ҳам йўқ қилиб ташлади. Шунинг учун биз уларнинг ҳаёти тўғрисида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.

Шу ўринда бир воқеани эслаш жоиздир. 80-йилларнинг бошида Германияда таҳсил кўриб барча тегирмонлардан бутун чиққан бир қария билан учрашдим. Унинг манзилгоҳини менга раҳматлик қайнотам Ҳайрулложон Амруллоев маълум қилдилар.

— Агар иложи бўлса, анжир олиб боринг, у киши хуш кўрадилар,— дедилар қайнотам, — хархаша қилиб ҳеч нарсани айтиб бермаса, куёвим эканлигингизни айтинг...

Эртасига бир қўлимга анжир ва иссиқ нон ўралган тугун, иккинчи қўлимга қоғоз-қаламларим солинган папкани қўлтиқлаб Улуғбек мадрасаси орқасидаги гузар сари йўл олдим.

Соч соқоли ўсиб кетган қаландарнамо қария кирлигидан рангини ажратиб бўлмайдиган кўрпача устида, дарвозаси ёнида чордона қуриб ўтирарди. Мен унга энгашиб салом бердим, у бўлса алик ўрнида катта очилган нурсиз кўзлари билан бақрайиб тикилдида, даҳшат билан ўзини орқага ташлаб деворга суянди.

— Сени Пашков юбордимми?! Мен бошқа ҳеч нарса билмайман! Тинч қўйинглар мени,—деб жавради.

Мен нима деб жавоб беришимни ҳам билмай қаддимни ростлаб, сукут сақладим, у кўзларини ёпиб узоқ тин олди. Салгина ўзимни босиб олиб газета ташлаб тугунни очдим, қаршисида чордона қуриб ўтирдим. Кўзларини очгач, дўсти Хайрулложоннинг куёви эканлигимни айтдим.

— Нима хизмат билан келдингиз ўғлим, — деди у эсини йиғиб олиб мажолсиз оҳангда. Муддаомни айтдим.

— Мен ҳеч қачон чет элда ўқимаганман, — деди у оҳиста. Қайнотангиз Файзулла Хўжаев ҳақида китоб ёзаётганингизни айтган. Мен сизга бир нарсани айтаман. У аҳмоқ эди. Миллионлаб бойликларини ўз қўли билан шўроларга тақдим этди. Ваҳоланки, хорижга кетса, бу бойликлар етти пуштига етарди. Мен ҳам ўшандай бойнинг ўғли эдим. Бугунги аҳволимни кўриб турибсиз. Унинг касофати билан ҳаммамиз хароб бўлдик...

Мен хайрлашиб орқамга бурилдим. Қайнотам қария сирини очмаганига папкам билан шапкамни сабаб қилиб кўрсатдилар. 50-йилларда чекистлар мана шундай кийимда бухороликлар хонадонига кириб уларни ҳибсга олиб кетишар, Пашков деган кимса уларнинг бошлиғи экан. Қария эса дастлаб Туркия, кейин Германияда таҳсил кўрган, Бухорога қайтгач қамоққа олиниб, Пашковнинг малайлари томонидан кўп қийноқларга солинган. Сўнгра 17 йил Магаданда лагерда бўлиб Бухорога қайтган экан.

Кўп ўтмай қария вафот қилганини эшитдим. Унинг ҳеч кими бўлмаганлиги сабабли маҳалла аҳли пул йиғиб дафн этган. Хорижда таҳсил кўрган бухоролик ёшларнинг сўнги вакили шу эди.

Мен кўпгина бухоролик қариялардан Файзулла Хўжаевга нисбатан шундай айблов сўзларини эшитганман. Бу тарихий жараёнларни таҳлил қила олмаслик натижаси эди, албатта. Большевиклар ҳеч қачон Бухорони қўлдан бермас эдилар. Аммо Файзулла Хўжаев бўлмаса халқ бошига тушадиган кулфатлар юз чандон зиёда бўлиши аниқ эди. Лекин уларни ҳам тушуниш керак. Қатағон жабрини кўрган, минг хил кулфатларни бошдан

кечирган киши учун объектив тарихий жараён куруқ бир гап.

Хўш, нега энди мустақил ҳаётга қадам қўйиб оқни қорадан ажратаётган ёшларга бунчалик тазйиқ қилинди. Хорижда таҳсил кўриш жиноятмиди? Уларга қўйилган айбларнинг барчаси тухмат эканлиги кўриниб турарди-ку! Наҳотки, шундай катта давлат амалиётда эмас, ҳатто қоғозда қонунчиликда риоя этмади, айблов учун асос тўпламади?

Айблов учун асос бор эди. Бу хоиннинг гувоҳликлари эди. У бўлса Германияда бухоролик ёшлар билан ёнма-ён яшар эди.

Хоин талабаларнинг бири эмас, балким уларнинг муаллими Олимжон Идрис эди. Кейинги ўн йилликларда турли мамлакатлардаги тадқиқотчилар бунинг учун етарли далиллар тўпладилар.

Қиссамизнинг бошланиш қисмида биз бу кимса тўғрисида айрим маълумотларни келтиргандик. Энди уларни кенгайтириш жоиздир. Олимжон Идрис келиб чиқиши жиҳатидан қозонлик татарлардан бўлиб, I- жаҳон уруши йилларида немисларга асир тушиб қолади. Германияда бундай асирлар кўп эди. Аммо мусулмон асирларга муносабат ўзгача эди. Уларга кўпгина эркинликлар берилиб, ҳатто ўз масжидларини очиб иймон-эътиқодларига амал қилишга ҳам рухсат берилди.

Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, бу бежиз эмасди, албатта. Бисмаркнинг буюк империячилик назариясида шарқ мамлакатларига, шу жумладан Марказий Осиёга катта ўрин ажратилганди. Мусулмон асирларига хайрихоҳлик келгусида уларнинг хизматидан фойдаланишни назарда тутарди.

Олимжон Идрис Берлин яқинидаги Винсдорф шаҳарчаси масжидига имом хатиб бўлиб жойлашиб олади. Немис маъмурлари бундай иссиққина жойни ҳеч кимга беҳудага бермас эдилар. Унга мусулмон асирларининг кайфияти, юриштириши, фикр-мулоҳазалари, сиёсий қарашлари тўғрисида муайян маълумотларни тегишли идораларга хабар қилиб туриш топширилгани шубҳасиздир.

Россия ва Германия ўртасида Брест шартномаси тузилгандан кейин икки мамлакат ўзаро асир алмашиб Олимжон Идрис ватанига қайтди. Большевиклар бир йил уни ҳибсда сақлашди. Тадқиқотчиларнинг тахминларига кўра большевиклар шу даврда уни рус агенти сифатида немислар диёрига қайтишга кўндиришган. Кўп ўтмай у Бухоро Халқ Республикасининг Германиядаги ваколатхонаси маданият ишлари бўйича вакили сифатида Берлинга қайтди.

20- йилларда у Мустафо Чўқай билан ҳамкорликда Германияда "Ёш Туркистон" газетасини нашр этди. Натижада Германиядаги туркистонлик муҳожирлар ичига кириб уларнинг ҳам фаолиятдан кўз-қулоқ бўлиб туриш имкониятига эга бўлди. Аммо кўп ўтмай туркистонлик муҳожирлар унинг жо-

сус эканлигини аниқлаб яқинларига йўлатмай қўйдилар.

Кейинчалик савдо-саноат алоқаларини йўлга қўйиш учун Файзулла Хўжаев топшириғига биноан Берлинга келган бухоролик тадбиркорларни кутиб олиб, меҳмонхонада захарлаган ҳам мана шу жосус эди, деб гумон қилинмоқда.

Унинг тўғрисидаги маълумотлар чалкаш бўлиб, бу кимса аслида қайси мамлакат разведкасига кўпроқ хизмат қилганини аниқлаш мушкул. 30- йилларнинг бошида Германиядаги "Ёш Туркистон" ва Руминиядаги "Амал" мухожирлар газеталарида босилган мақолаларга кўра у Америка Қўшма Штатлари разведкаси агенти ҳам бўлган. АҚШ Марказий разведка бошқармасида ўша даврларда шарқ бўлимини бошқарган Бекиф оға Парижга қочиб кетиб нашр этган китобида буни аниқ маълумотлар билан далиллайди.

Исроиллик шарқшунос олим А.В.Ярошевский 1991 йилда Германиянинг Бамберг шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Олимжон Идрис немис жосуси эканлигини олиб борган тадқиқотлари асосида исботлаб берди. Олимжон Идрис 20- йилларда Бухоронинг Москвадаги маориф уйида таҳсил олаётган ҳамюрти Шамсулбанат деган қизни Германияга ўқишга келишга кўндирди. Кўп ўтмай ўзидан 20 йил ёш бу қизга уйланиб ундан агентлик фаолиятида фойдаланди.

Шамсулбанат Берлин университетининг тиббиёт факультетига ўқишга кирди. Кейинчалик гинекология ва болалар касалликлари бўйича мутахассис бўлиб университетни тугатди. Лекин бир умр Олимжон Идрисга муте бўлиб, унинг йўл-йўриғи билан иш тутишга мажбур бўлди.

Бу даврга келиб Германияда таҳсил кўрган бухоролик ёшларнинг бир қисми Ватанига, бошқалари Туркияга кетиб бўлишган, фашистлар Германиясида ҳамюртларимиздан даярли ҳеч ким қолмаганди. Олимжонга бўлса энди асирга тушган мусулмон антифашистлар устидан назорат қилиш топширилганди. 40- йиллар бошида у Германия ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилиб хотини Шамсулбанатни Муса Жалил гуруҳи таркибига киритишга муваффақ бўлади. Таникли татар ёзувчиси Муса Жалил фашистлар билан жангларнинг бирида оғир ярадор аҳволда асирга тушади. Немислар лагерида фашистларга қарши курашни давом эттириб яширин гуруҳ ташкил қилади. Муса Жалил антифашист фаолияти учун кўп ўтмай Моабит ҳибсхонасига ташланади. Унинг ҳибсхонада ёзган шеърлари антифашистлар ўртасида тилдан-тилга кўчади.

Ҳибсхонада Муса Жалил ва яна бир гуруҳ антифашистлар билан бир қаторда Шамсулбанат Идрисова ҳам сақланмоқда эди. Тадқиқотчилар немис концлагерида ҳаким бўлиб хизмат қилган бу аёл Муса Жалил гуруҳига немис контрразведкаси топшириғи билан суқилиб кириб антифашистлар устидан агентура материаллари тўплаган, деб ҳисоблашмоқда. Чунки шу

гуруҳда барча аъзолар қатл этилиб, фақатгина Шамсулбанат эрининг ёрдами биланг жон сақлаб озодликка чиқади. Таниқли татар ёзувчиси Рафаэл Мустафин тўплаган мана шу материаллари асосида унинг ва эри Олимжон Идриснинг немис агенти эканлигини исботлайди. Иккинчи жаҳон уруши даврида русларга асир тушган "СС" офицери Рейнер Ольше ҳам Олимжон Идриснинг немис агенти сифатидаги фаолияти тўғрисида кўп маълумотлар берган. Буни ўзбек олими Шерали Турдиев "Звезда Востока" журналининг 1993 йилдаги саккизинчи сонидан эълон қилинган "Ўзбекистанские невозвращенцы" мақоласида баён этган.

Муаллиф Германияда бўлганида Олимжон Идриснинг Мюнхен шаҳрида яшовчи ўғли Элдор Идрис билан учрашган. У тиббий журналга ноширлик қилар экан. Онаси Шамсулбанат эса қариликда эси оғиб жиннихонага тушган экан...

Олимжон Идрис ва унинг хотини Шамсулбанат кўпгина бухоролик ва туркистонлик хорижда таълим олган ёшларнинг умрига зомин бўлишди. Улар большевикларга берган маълумотларга асосан ҳибсга олинган ўнлаб ажойиб фарзандларимиз нобуд бўлишди. Бу қанақа маълумотлар эканлигини тахмин қилиш қийин эмас. Даврада большевикларга тегиб айтилган гап ҳам, қайсидир ўзбек муҳожир билан ўзаро мулоқот ҳам Олимжон Идрис ва унинг хотини томонидан қаламга олиниб дарҳол Москвага жўнатилган. Ахир улар москвалик хўжайинлари олдида қайсидир бир фаолият билан рус разведкасининг агенти номини оқлашлари лозим эдида.

Бу маълумотлар эса ҳар бир хорижда таълим олган бухоролик ёхуд туркистонлик йигит-қиз бўйича алоҳида папкаларда тўплаб бориларди. Бухоронинг ажойиб фарзандлари отиб ташланиши, ёнғинда куйиб кетиши ёхуд Сибирь ўрмонзорларида музлаб қолиши учун асос мана шу папкалардаги ёлғон-яшиқ маълумотлар эди.

Тақдирлари мана шундай аянчли бўлишини ҳис қилган бир гуруҳ ватандошларимиз бундан кўра мусофирликни афзал кўрдилар. Улар қанчалик тазйиқ кўрсатишмаса, СССР га қайтишни рад этдилар.

САХОВАТ ДАРАХТИ

Муқаддас китобларда нақл этилишича, саховат дарахтининг илдизлари жаннатда бўлиб, шохлари эса бу фоний дунёда гуллаб-яшнаб, барча бева-бечоралар, ногирон ва мусофирларни неъматларидан баҳраманд этар эмиш.. Кимки мана шу дарахт сингари хайру эҳсонини мазлумлардан аямаса, унинг учун жаннат эшиклари доимо очиқ экан.

Хориж мамлакатларида ҳам шундай савобталаб мўмин-

мусулмонлар кўп экан. Улар Германияда маблағсиз қолган, аммо юртига қайтиб нобуд бўлишни истамаган бухоролик, умуман туркистонлик ёшларни меҳр ардоғига олишди. Германияда фашизм тузуми ўргатилгунга қадар хорижда қолган ҳамюртларимизнинг, деярли барчаси бу мамлакатни тарк этиб улгурган эди.

Вали Қаюмхон хотираларида ёзилишича, ҳамюртларимиздан 15-16 киши Туркияга йўл олишди. Аҳмаджон Иброҳимов, Иброҳим Ёрқин, Тоҳир Чигатой ва бошқалар шулар жумласидан эдилар.

Туркиядаги меҳр-мурувватли кишилар ёрдамида улар бошпанага, касб-корга эга бўлишди. Кейинчалик тиббиёт, геология, тарих, ижтимоиёт, зироат, техника соҳаларида жаҳонга машҳур олимлар бўлиб етишишди.

1934 йилда Туркияга борган Аҳмаджон Иброҳимов Истамбул университети профессори даражасига етиб минералогия, петрография, геология бўйича ўнлаб илмий асарлар яратди. 1980 йилда Истамбулда вафот этди.

Иброҳим Ёрқин Берлин қишлоқ хўжалик академиясини тугатганидан кейин Венгрияга кўчиб кетди. Бу ерда Туркистон чорвачилиги мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик Туркияга кетиб Анқара университети профессори сифатида фаолият кўрсатди. 1993 йилда Анқарада вафот этди.

Тоҳир Чигатой Гейдельбург университети ижтимоиёт, фалсафа ва иқтисодиёт факультетини тугатиб, 1930 йилда докторлик диссертациясини ёқлади, сўнгра Туркия қишлоқ хўжалик вазирлигида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Анқара университети кафедрасини бошқарди. 1984 йилда Анқарада вафот этди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Хулоса қилиб айтганда эса уларнинг барчалари ақлу заковатлари, илму қобилиятлари туфайли мусофирчиликда ҳам катта обрў-этибор қозондилар. Аммо она юрт фироғини чекиб, дунёдан кўз юмишди. Энди уларнинг фарзандлари ҳам ўзга юртнинг фуқароларидир. Шерали Турдиев "Звезда Востока" журналида эълон қилган мақоласида улар тўғрисида батафсил маълумот берган.

Хўш, бошқаларнинг тақдири не кечди? Ҳаммаси бўлиб Бухоро Халқ Республикасининг Берлиндаги ваколатхонаси орқали Германия таълим даргоҳларига ўқишга кирганлар сони кейинчалик келиб қўшилганлар билан бирга 47 киши, Туркистон Республикаси йўлланмаси билан таҳсил кўрганлар 12 киши бўлган. Улардан 43 киши ўзбек, 8 татар, 4 қозоқ, бири яҳудий миллатига мансуб бўлган. Биз қиссамизда уларнинг ярми исми шарифини баён этдик, холос. Бошқалар ким эди? Ун гулидан бир гули очилмай хазон бўлган гунчалардан бу фоний дунёда бирон из қолганми?

Афсуски, ҳозирча бу саволларга жавоб топганимиз йўқ. Биздаги маълумотларга кўра, Бухоро жадидларининг фарзандлари нафақат Германия ва Туркия, балки Америка Қўшма Штатлари, Арабистон, Покистон, Эрон ва бошқа мамлакатларда ҳам яшамоқдалар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин хориждаги юртдошларимизнинг авлодлари ота юртига келиб мамлакатимиз истиқлол туфайли иқтисодиёт ва маданият соҳасида эришаётган муваффақиятлардан мамнун бўлмоқдалар.

Ўзбекистон ёшлари эндиликда нафақат Германия, балким АҚШ, Англия, Франция, Япония, Италия ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил кўриб Ватанга қайтмоқдалар. Ота юрти уларни кучоқ кериб кутиб олиб нуфузли вазифаларни ишониб топширмоқда. Бундан саксон йил муқаддам катта умид билан бошланган хайрли ишлар мана шундай қилиб бугун рўёбга чиқмоқда.

ХОТИМА

Мустақиллигимизнинг тўққизинчи йили май ойининг 12-муборак жума куни уфқдан бош кўтарган қуёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув қирғоғида ажиб бир манзарани ёғдулари билан ёритди. Олтмиш йилдан зиёд тошкентликлар қалбига қўрқув уйғотадиган, барча кишилар четлаб ўтишга ҳаракат қиладиган овлоқ жой гўёки бир кечада содир бўлган мўъжиза туфайли нурли бир манзилга айланиб, атрофида фаришталар парвоз қилмоқда эди. Аслида эса деярли бир йил мобайнида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан бу ерда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида "Шаҳидлар хотираси" хиёбони барпо этиш ишқида минглаб кишилар кеча-кундуз меҳнат қилдилар.

Уларнинг бунёдкорликлари туфайли дарё ёқасидаги жарликлар ўрнида ям-яшил япроқларини қуёш нурларига эмдираётган дарахтлар қад кўтариб, фавворалар зилол сувларини шаршара қилиб оқизди, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз остида ноёб тошдан ясалган мўъжаз сағана кўйилди. Ўша сонияда эса унинг атрофида минглаб ва ўн минглаб кишилар бош эгиб сукут сақламоқда эдилар. Булар истиқлол йўлида жонини фидо қилган Туркистон жадидларининг фарзандлари ва неваралари, вилоятлардан келган меҳмонлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари эдилар. Кўпчиликнинг кўзларидан шашқатор ёш оқмоқда. Бу истиқлолни кўриш насиб этмаган, юрагини ғанимларнинг ўқлари тешган ота-боболар кўнглидан фарзандлар қалбига кўчган армон ёшлари эди.

Бундай иншоот учун Бўзсув дарёсининг ёқаси танлангани бежиз эмас. 30-йилларнинг охиридаги қоронғи тунларда шу яқинда жойлашган ҳибсхонадан ўнлаб бегуноҳ маҳбуслар келтирилиб, темирйўл кўприги остида отилиб, бекафан, бежаноза кўмиб ташланар эди. Халқимизнинг суюкли фарзандлари Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Атоулло Хўжаев, Абдуқодир Муҳитдинов, Мусожон Сайиджонов, Саид Аҳрорий, Раҳмат Рафиқ Абдуллабеков, яна ўнлаб, юзлаб ва минглаб истиқлол фидойилари мана шу мудҳиш кўприк остида қатл этилганлар. Халқ эса бу мудҳиш жойга Алвасти кўприк номини берган. Умуман, 1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учради, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланди. Бу миллатимизнинг гули бўлган инсонлар эдилар.

Мустақиллигимиз душманлари ярим аср мобайнида уларнинг муборак исми шарифини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлаш учун ҳамма ишни қилишди, уларнинг фарзандларини таҳқирлаб, хўрлашди. Аммо ҳақиқат ўтда куймайди, сувда

чўкмайди ва қачонлардир, албатта рўёбга чиқади.

— Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан мана шундай кунларни кутар эди, — деди Президентимиз Ислоҳ Каримов "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган оташин нутқида. — Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурёдлари олдида, яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Мазкур сатрларнинг муаллифи ҳам кўп йиллар мобайнида қатағон қилинганларни билган замондошлари хотираларини тўплаб, Москва ҳужжатгоҳларида темир сандиқларда сақланаётган уларнинг ҳаётига оид ҳужжатларни ўрганиб, шу асосда ёзган очерклар ва тарихий қиссани аждодлар хотираси олдидаги инсоний бурчи адо этилишининг бир белгиси сифатида қабул қилгайсиз.

Нусратилло НАИМОВ.

ЖАНАДАҲИ

(тарихий очерклар,
ҳужжатлар асосида)

Масъул муҳаррир: Ҳасанов Ҳасан
Техник муҳаррир: Ойим БАРҚОҒОВА
Муҳаллиқлар: Ойим РАҲМАТОВА
Хатмчи РАҲМАТОВА

Тиражи 1000 нусخа.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.
Қўлёғи 1000 нусхадан.

Нусратилло НАИМОВ

БУХОРО ЖАДИДАРИ

*(тарихий очерклар,
ҳужжатли қисса)*

Масъул муҳаррир: Умурзоқ ҳожи ЗОКИР ўғли

Техник муҳаррир: Олима БАРОТОВА

Мусаҳиҳлар: Сайёра РАҲМАТОВА

Ҳалима ИСТАМОВА

Теришга берилди 4.08.2000 й. Босишга рухсат этилди
22.08.2000 й. Қоғоз бичими 84x108 1 нав босмахона қоғози.
Адабий гарнитура.Офсет босма. Шартли босма 2.8 табоқ.
Ҳисоб-нашриёт 3.0 босма табоқ. 57- буюртма. 2000 нусха.
Келишилган нархда.ЎзР ФА "Фан" нашриёти: 700047. Тош-
кент, акад. Яҳё Фуломов кўчаси, 70. Босмахона манзили: Бу-
хоро шаҳри . Академик Иброҳим Мўминов кўчаси, 27- уй. "Бу-
хоронома" вилоят газетаси ҳузуридаги кичик босмахонада
чоп этилди.

600

ՀԱՅԱՍՏԱՆԻ
ԿՐԹԱԿԱՆԱԿԱՆ
ԿՐԹԱԿԱՆԱԿԱՆ

ՀԱՅԱՍՏԱՆԻ ԿՐԹԱԿԱՆԱԿԱՆ
ԿՐԹԱԿԱՆԱԿԱՆ
ԿՐԹԱԿԱՆԱԿԱՆ